

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК:

АБДУВОСИТОВ БОИСХОН БОРИЙХОН ЎҒЛИ

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР
ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ

5A231102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар: и.ф.н., Н.Хасанов

ТОШКЕНТ - 2013

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестициясини жалб қилиш, чет эл капитали иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш, республикада мавжуд табиий иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда бу орқали иқтисодиётни ҳам тармоқ, ҳам маҳсулот турлари бўйича такомиллаштиришга имкон беради. Чет эл капиталининг ҳажми ва унинг узвийлиги республика иқтисодиётига чет эл сармоялари жалб этиш даражасининг индикатори бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ички ва ташқи савдо шароитининг муттасил ўзгариб бориши бозордаги талаб ва таклифларни атрофлича ўрганишни тақозо қилади. Шу сабабли олим ва мутахассисларнинг маркетинг назарияси ҳамда амалиётига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг янги шакл ҳамда усулларига қизиқиши тобора ортмоқда.

Пировард мақсадда бозорни, тайин бир истеъмолчини кўзлаш, рақиблар ва рақобат усулларини пухта ўрганиш ютуқ ва барқарорлик гарови бўлиб бормоқда. Бозор талабини яхши билиш корхонага маҳсулотни режалаштириш, лойиҳалаш, яратиш ва ишлаб чиқаришни ҳаридор талабига мувофиқ равишда аниқ амалга ошириш имконини беради.

Чет эл капиталини жалб қилиш ва чет эл капитали иштирокидаги корхоналар ташкил этишнинг долзарблиги тўғрисида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлайди: "Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл капиталини ўзоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда."¹

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатлар билан барқарор ўсишида, авваламбор иқтисодиётга йўналтирилган капитал маблағлар

¹ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон, 2009 й, 9-бет.

ва капитални тобора ўсиб бораётганидир. Бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2012 йилда 22,9 фоизни ташкил этди.

Бу борада Ўзбекистон Президенти И.Каримов: “Ўтган йилда (2012 йилда) иқтисодийтимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва чет эл капитал жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами капиталнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини чет эл капитал ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри чет эл капиталдир.” – деб таъкидлади.

Натижада мамлакатни 2012 йилда экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланди. Экспорт таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил қилиб, ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

Шунга асосланиб, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетингни бошқариш муаммолари етарлича тадқиқ этилмаганлиги мазкур мавзунини танлашни тақозо этди ва тадқиқот долзарблигини белгилаб берди.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот объекти бўлиб мамлакатимизда ташкил этилаётган ва фаолият олиб бораётган чет эл капитали иштирокида қўшма корхоналарнинг фаолият натижалари, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг миқдори ва ЯИМдаги улуши, корхоналар экспорт ва импорт маҳсулотлари таркиби ва динамикаси, уларда халқаро маркенингни ташкил этиш, улвр учун яратилган ҳуқуқий ҳужжатлар олинди.

Тадқиқот предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикасида чет эл капитали иштирокидаги корхоналар ривожининг асосий тамойиллари, уларни фаолиятини такомиллаштиришда халқаро маркетинг ўрни ҳамда уларни маҳсулотлари экспортини тартибга солиш усуллари, географик, таркибий тузилиши ва рағбатлантириш йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон иқтисодийотида кенг қўламда кириб келаётган чет эл капитали билан боғлиқ муаммолар, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолияти ва уларда халқаро маркетинг

масалаларини ўрганиш ушбу магистрлик диссертациясининг асосий мақсади килиб олинди. Тадқиқот ишида қўйилган мақсад илмий изланишнинг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб берди:

- чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетингнинг ўрнини атрофлича ўрганиб чиқиш;
- миллий иқтисодиётга чет эл капиталини олиб кириш ва қўшма корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари қиёсий таҳлил этиш;
- республика иқтисодиётини ривожлантиришда чет капитали иштирокидаги корхоналар фаолияти таҳлил этиш ва баҳолаш;
- чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетингни ташкил этиш ва бошқариш тажрибасини ўрганиб чиқиш;
- чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини такомиллиштириш йўллари белгилаш ва унга асосан таклифлар ишлаб чиқариш.

Мавзунинг ўрганувчанлик даражаси ва қисқача адабиётлар таҳлили.

Давлатнинг ташқи савдо сиёсатини шакллантириш, унда чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини шакллантириш, уларнинг халқаро маркетингни бошқарувини ташкил этиш механизмининг муаммолари кўп соҳали эканлигини эътиборга олиб, ташқи савдо сиёсатини шакллантириш масалалари турли мактаб ҳамда йўналишларга мансуб бўлган хориждаги ва мамлакатимиздаги кўпгина олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Ташқи савдони тартибга солиш жараёнини тадқиқ этиш учун А.В.Дайси, Ж.Кейнс, В.В.Леонтьев, П.Линдерт, А.Маршалл, Б.Олин, М.Пebro, Д.Рикардо, А.Смит, Ж-Б.Сей, Р.Самуэльсон, Э.Хекшернинг фундаментал асарлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида чет эл капиталининг иқтисодиётни қайта қуришдаги роли, чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналарни иқтисодий самарадорлиги, улар фаолиятида халқаро маркетингни ташкил этиш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ё.К. Қориев, С. Жўраев, О.Ахмедов, М.Рахимова, ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Россия иқтисодиёт фани вакиллари Ю.М.Ростоков, В.Ю.Гречков, О.Г.Абдукумова, В.И.Беляев, Т.П.Данко ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар.

Илмий иқтисодий ҳамжамиятнинг савдо сиёсатининг шаклланиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари фаоллашувига қарамай, мамлакатимиз миқёсида чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетингни бошқариш муаммолари етарлича очиб берилмаган. Шу боисдан ушбу масалани шаклланиш механизмини ўргана бориш маромида амалда тадқиқ этилмаган йўналиши сифатидаги моҳиятини очиб бериш зарурати юзага келади.

Ишнинг назарий услубий асоси бўлиб Ўзбекистан Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Президенти Фармон, Қарорлари, республика Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, И.Каримов асарлари, нутқ ва маърузалари, меъёрий ҳужжатлар, статистик ҳисоботлар ва ушбу мавзуга оид илмий асар, изланишлар хизмат килди.

Тадқиқотнинг услубий базаси мавзуга оид адабиётлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва илмий ишлардан йиғилган материалларни таҳлил қилиш ва мавзунини атрофлича ёритиш учун ҳулосалар беришдан иборатдир.

Ишнинг илмий янгилиги шундаки, диссертацияда чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолияти ва уларда халқаро маркетингни ташкил этиш масалари кўрилган. Шунингдек мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги чет эл капитали иштирокида корхоналар ташкил этиш йўллариини такомиллаштириш, уларни ташкил этишдаги муаммоларни таҳлил этиш ва самарали халқаро маркетинг амалиётини яратиш масалаларидан иборат. Республикамизда киритилаётган чет эл капитали самарадорлигини таъминлаш, улар иштирокида ташкил этилган корхоналарда халқаро маркетинг фаолиятини бугунги ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш йўллариини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ишнинг тизилмаси ва ҳажми ушбу магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, саккиз параграфдан, ҳулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Магистрлик диссертацияни биринчи бобида чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетингнинг ўрни, чет эл капитали

иштирокидаги корхоналарни ташкил этишнинг асослари ва аҳамияти, миллий иқтисодиётга чет эл капиталини олиб кириш ва улар иштирокидаги Чет эл капитални иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетинг стратегияси ва уни бошқаришнинг ўрни масалалари атрофлича ёритилган.

Иккинчи бобда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда чет капитални иштирокидаги корхоналар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, республикада чет эл капиталини жалб этиш борасида яратилган шарт-шароитлар, республикада чет эл капитални иштирокидаги корхоналар фаолиятинг таҳлили, ва чет эл капитални иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси таҳлил килинган ҳамда бу муаммоларнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

Илмий ишнинг учинчи бобида чет эл капитални иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетингни бошқаришни такомиллаштириш йўллари, республикада қўшма корхоналарнинг самарали бошқарув тизимини ташкил этиш йўллари ва мамлакатни экспорт салоҳиятини оширишда чет эл капитални ва халқаро маркетингни такомиллаштириш истиқболлари масалари кўрилган.

Хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижаларини ифодалаш билан бирга чет эл капитални иштирокидаги корхоналарда халқаро маркетингни ташкил этишдаги бугунги муаммолар, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ушбу корхоналар иш самарадорлигини ошириш ҳамда иш натижалари асосида таклиф килинаётган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш йўллари келтирилган. Диссертациянинг сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар келтирилди.

Диссертация матни 79 варақдан иборат бўлиб, унда 11 та жадвал ва диаграммалар ҳамда 4 бетдан иборат бўлган илова тақдим килинган.

1-БОБ. ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГНИНГ ЎРНИ

1.1. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарни ташкил этишнинг асослари ва аҳамияти

Ҳозирги кунда глобаллашган бизнес шароитида жаҳон бозори таракқиёти юқори ривожланган рақобатдошлик шароитида ривожланмоқда. Глобаллашув жараёни инсоният фаолиятининг барча жабҳаларида ҳамда жаҳон бозори ва ҳудудий иқтисодиётларни интеграллашуви билан тавсифланади. Натижада, замонавий технология ва бошқарув усуллари ишлаб чиқариш жараёнига тезкор ҳамда кенг жорий этилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг тезлашиши кузатилмоқда. Миллий иқтисодиётларни ўзаро боғлиқлиги даражасини ўсиб бориши, интеграцион жараёнларни фаоллашиши бизнесни ташкил этишга глобал, яъни умумжаҳон миқёсида ташкил этишни талаб қила бошлади. Бу шароитда корхоналарни ишлаб чиқариш фаолиятида ташқи иқтисодий алоқалар муҳим аҳамият касб қилади.

Корхоналар томонидан чет мамлакатлардаги ҳамкорлари билан иқтисодий, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтиришга бўлган интилишлари кенгайиб боради. Чунки, миллий иқтисодиётни реал сектори ва алоҳида олинган корхона жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлаш ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологиялар ва менеджментни доимий жорий этилишини талаб қилади. Бу борада, чет эл капитали иштирокида қўшма корхона ташкил этилиши жуда катта самара беради. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини мамлакатни реал секторига киритилиши ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш билан бирга замонавий бошқарув усуллари жорий этиш (менеджмент) имкониятини беради. Буэса ишлаб чиқаришда фаолият юритаётган миллий кадрларни касб тайёргарлигини ошириб, уларни касбий даражасини оширади. Бундан ташқари қўшма корхоналарни ташкил этилиши натижасида

чет эллик ҳамкорлар кўмагида ташқи бозорларни ўрганиш (маркетинг) ва уларга маҳсулот олиб чиқиш имконияти кенгаяди.


"Инвестиция" атамаси лотин тилидаги «Invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб, "қўйиш", "маблағни сафарбар этиш" маъносини билдиради. Кенг маънодаги капитал кўпайтириб қайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради. Кўпгина лолларда "капитал" тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга дойр ҳуқуқлар тарзида таърифланади.

Корхонанинг халқаро ишлаб чиқариш, илмий-техникавий кооперацияси, маҳсулотни импорти ва экспорти, уни ташқи бозорга чиқиши билан боғлиқ фаолияти унинг ташқи иқтисодий фаолияти деб аталади.

Жаҳон бозорларида рақобатдошлик жараёнини кучайиши, ишлаб чиқаришни технологик ва ташкилий моделларини мураккаблаштириши ҳамда диверсификациялаштириши, ташқи иқтисодий фаолиятни информацион таъминотини тезлаштириши ва муносабатларини кенгайтириши иқтисодий омиллардан кенг фойдаланишни талаб қилади. Жумладан, корхонанинг истиқболли ривожланишининг соҳа ва турларини белгилашда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Маркетинг таҳлил орқали, корхонанинг имкониятларидан келиб чиқиб мамлакат ичида ва халқаро бозорларда унинг маҳсулотларига бўлган талабларни чуқур ўрганиш имконияти туғилади. Бу эча таваккалчилик йўқатишларни камайтириб, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини барқарорлаштириш имкониятини беради ва ташқи бозорларда ўз ўрнини эгаллаш учун шароит яратади.

Бозор муносабатларига ўтаётган давлатларнинг иқтисодиётини ривожлантириш, барқарорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатда рақобатдош иқтисодиётни шакллантиришда чет эл капитали ва улар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг аҳамияти беқиёс. Улар нафақат иқтисодиётни фаоллаштиради, балки, мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини бериб, замонавий технологиялар кириб келиши, ишчи ўринлари очилиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши ва

мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни дунё бозорида сотилишини таъминловчи омил бўлиб хизмат килади.



Чизма 1.1.1. Чет эл капитали иштирокидаги корхонани ташқи иқтисодий фаолияти²

Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар чет эл мамлакатлар билан ўзаро

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни, улар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни тақазо этади.

Ҳамкорликнинг муҳим шаклларида бири эса чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этишдир. Юқорида тақдим қилинган чизма - 1.1.1. да чет эл капитали иштирокидаги корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти жараёнлари ва унга таъсир кўрсатадиган турли омиллар кўрсатилган. Бундай корхоналарни ташкил этиш капитал киритаётган мамлакатга ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятини берса, капитал қабул қилаётган мамлакат учун илғор техника ва технологияларни ҳамда бошқаришнинг янги замонавий усуллари жалб этиш, янги иш жойларини ташкил этиш, мамлакатнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш имкониятлари яратилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда миллий иқтисодиётга чет эл капиталини жалб этиш орқали янги замонавий корхоналар қуриш, сифатли ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали мамлакатни экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида очик бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида таркибий ислохотлар ва экспортга йўналтирилган сиёсатни изчил амалга ошириш асосий ривожланиш стратегияси сифатида белгиланди. Жумладан, республикани барқарор ривожланишини таъминловчи тармоқларни жадал ривожлантириш ҳамда минерал ва хом-ашё ресурсларидан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналарни ривожлантириш ҳамда уларнинг экспорт имкониятларини оширишдан иборат вазифалар белгиланди. Шунингдек республиканинг реал сектори соҳаларидаги ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарини замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш йўли билан уларни ривожлантириш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳозир жуда жадал ривожланиб бораётган халқаро иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: "Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим - Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молия-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади"³. Бугунги жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари қуйидагилардан иборат:

- ташқи товар ва хизматлар савдоси;
- қўшма тадбиркорлик (қўшма корхоналар ташкил этиш, франчайзинг, лайсензинг, дистрибьюторлик агентлик ва
- ҳамкорликнинг бошқа шакллари (бизнес альянслар, консорциумлар)².



Чизма 1.1.2. Қўшма тадбиркорлик турлари⁴

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётга чет эл капиталини жалб этиш ва ундан фойдаланиш энг муҳим ижтимоий

³ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.,Ўзбекистон. 2009 й, 11-бет.

⁴ Муаллиф томонидан тайёрланган.

иқтисодий аҳамият касб этади. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш ҳамда амалда фаолият юритувчиларни қўллаб қувватлаш ҳам янги чет эл капиталини киритиш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаштириш, техник ва технологик янгиланиш шароитида миллий иқтисодиётга чет эл капиталини жалб қилишга катта эътибор бериш талаб этилади. Бунда чет эл капиталини жалб этиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағларни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий иқтисодий ва бошқа шарт - шароитларни тасвиқлаштириш;
- учинчидан, республикага ҳозирги замон талаби даражасидаги технологияларни етқазиб бераётган, миллий иқтисодиётни замонавий тизилмасини вужудга келтиришга кўмаклашаётган чет эл сармоядорларга нисбатан оптимал шарт-шароит яратиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;
- тўртинчидан, чет эл капитални маблағларини республика иқтисодиётини барқарорлигини таъминлайдиган ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлган энг муҳим устивор йўналишларда йўналтириш лозим.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлаштирилаётган шароитда Ўзбекистонда қуйидаги долзарб вазифалар биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим мақсад этиб белгиланган:

1. Миллий иқтисодиётни илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш. Бунга сабаб ҳозиргача иқтисодиётни реал секторида паст самарали ва харажатли асбоб-ускуналар ва технологиялардан фойдаланилмоқда. Бу меҳнат унумдорлигини ўсишига тўсқинлик қилиб, ишлаб чиқариш харажатларининг ўсишига, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига олиб келмоқда. Натижада жаҳон бозорида миллий

маҳсулотларни рақобатдошлик даражаси пасайади. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар, замонавий технологиялар ва менежмент жорий этилиши натижасида мазкур муаммони ҳал этиш имконини беради;

2. Корхоналарда бошқарувнинг илғор усуллари жорий этиш, маҳаллий ишчи ва ходимларни касбий билими ва маҳоратини ўстириш;

3. Миллий корхоналар, жумладан кичик бизнес субъектларига жаҳон бозорига чиқиш учун қулай имкониятлар яратиш;

4. Мамлакатда амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш. Чет эл инвесторларининг иштирокида ташкил этилаётган корхоналарга ташқи иқтисодий фаолият юритиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиш.

Ўзбекистонда чет эл капиталини миллий корхоналарга фаолиятига жалб этишнинг қуйидаги асосий устивор йўналишлари белгиланган:

- мамлакатдаги мавжуд хом-ашёларни тўлиқ қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш;
- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, уни тўлиқ қайта ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- транспорт ва телекоммуникация инфратизимларини ривожлантириш;
- илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан замонавий ахборот ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш;
- ресурс ва энергияни тежайдиган асбоб ва ускуналарни ишлаб чиқариш ва технологияларни жорий этиш;
- дори дармонлар, тиббиёт техникаси ва асбобларини ишлаб чиқариш;
- туризм индустриясини ривожлантириш⁵.

Экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи, замонавий хизматлар кўрсатувчи чет эл капитали иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг самарали фаолият

⁵ Абулкосимов Х.,. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш.Т.Академия.2007 йил. 85 бет.

кўрсатишини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ва инвестицион сиёсатидаги муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: 2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур.

Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва чет эл инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини чет эл инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри чет эл инвестициялардир.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.”⁶

Чет эл капитали иштирокида ташкил этиладиган ишлаб чиқариш субъекти қўшма корхона - бу икки давлат юридик ва жисмоний истеъмолчилари иштирокида тузилган корхона, бирлашма ва бошқа ташкилий шаклдаги субъектлардир. Бундай корхоналар ҳамкорликда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, илмий тадқиқот, кўрилиш ишлари олиб бориш, техник консультациялар ҳамда молия, суғурта

⁶ “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Тошкент, 18 январь 2013 й.

хизматлари кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятлар билан шуғулланиш мақсадида ташкил этилади.

Жадвал 1.1.1

Қўшма тадбиркорлик фаолиятида халқаро кооперация турлари⁷

Кўрсаткичлар	Шерикчилик алоқалари	Ҳамкорлик даври	Ўзаро ҳаракатлар таърифи
Ўзаро манфаатдорликка асосланган қисқа муддатли бирлашув	Паст	Қисқа ёки ўрта муддатли	Вақтинчалик айрим вазифаларни амалга ошириш (ҳамкорликда бошқарув, изланишлар)
Ўрта муддатли бирлашиш (концерн)	Паст, ўрта	Қисқа муддатли	Йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун вақтинчалик бирлашиш
Ташқи савдо кооперацияси	Ўрта	Ўрта муддатли	Экспорт-импорт операцияларни амалга ошириш учун ўрта ва узок муддатли бирлашиш
Лицензиялаш	Ўрта	Ўрта муддатли	Ноу-хауни бериш учун ўрта муддатли ҳамкорлик
Франчайзинг	Ўрта	Ўрта ва узок муддатли	Савдо ёки маҳсулот маркасидан ўрта ва узок муддатда фойдаланиш ҳуқуқини бериш
Қўшма корхона	Кучли	Узок муддатли	Аниқ соҳа, йўналишда узок муддатли ҳамкорликка интилиш

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналарнинг барпо этилиши бир қатор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий самараларга эришилишига олиб келади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

⁷ Киселев Д.Г. Конкурентноспособность современных предпринимательских структур на примере совместных предприятий // Инновационная экономика, 2011. - №5-6.

- четдан замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиши ишлаб чиқариш даражасини оширади;

- корхона меҳнат унумдорлиги ошади;

- аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади;

- ишлаб чиқариладиган товар, маҳсулот ва хизматлар сифати яхшиланади;

- илғор бошқарув усуллари ўзлаштирилади;

- хусусийлаштириш жараёнини фаоллаштириш учун қўшимча маблағлар қўлга киритилади;

- солиқлар, ижара ва бошқа тўловлар натижасида давлат бюджети даромадлари кўпайади;

- қўшма корхонани экспорта салоҳиятининг ўсиши натижасида мамлакатни валюта тушуми кўпаяди;

- халқаро иқтисодий интеграция, сиёсий музокаралар орқали давлатлараро стратегик ҳамкорлик келишиш учун асос яратилади ва бу ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди.

Чет эл капитал киритилишига асосан 2 гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади:

1) иқтисодий омиллар:

- у ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг бир маромда ушлаб турилиши;

- жаҳон ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида чуқур таркибий силжишларнинг амалга оширилиши (айниқса, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва жаҳон хизматлар бозори тараққиёти таъсири остида олиб борилиши);

- ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисосланшуви ва кооперациялашувининг чуқурлашуви;

- жаҳон иқтисодиётини транс миллийлаштирилишининг ўсиб бориши (АҚШ Трансмиллий корпорация (ТМК) лари чет эл филиалларининг

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми АҚШ товар экспортидан 4 маротаба ортиқдир);

- ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши;

- халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ)нинг фаол ривожланиши;

- жаҳонда ёки бирон бир давлатда рўй бераётган иқтисодий инқирозлар ва бошқалар.

2) сиёсий омиллар:

- капитал экспорти (импорти)ни эркинлаштириш (эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), оффшор ҳудудлари ва бошқалар.);

- ривожланаётган мамлакатларда индустриялаштириш сиёсатини олиб бориш;

- иқтисодий ислохотларни олиб бориш (давлат корхоналарини алоқаларни ташкил этиш.

- хусусийлаштириш, хусусий секторни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш);

- аҳоли бандлик даражасини ушлаб туриш сиёсатини олиб бориш ва бошқалар.

Чет эл капиталини жалб этиш миллий корхоналарга зарурий капитал билан замонавий технологиялар ва бошқарув тажрибаларини келтирибгина қолмай, балки пировард натижада уларнинг жаҳон бозорига чиқиши учун йўл очади, рақобатбардош товар ва хизматлар кўламини оширади. Бу эса ривожланиш даврини бошидан кечираётган мамлакат иқтисодиётида катта роль ўйнайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида чет эл капиталини олиб кириш ва қўшма корхоналар ташкил этишнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жиҳатдан чет эл капиталга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатнинг ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши хусусиятлари сифатида баҳоланади. Юқорида кўрсатиб

ўтилган асосий йўналишлар бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш ва чет эл капитални жалб этиш ушбу соҳа ва тармоқлардаги мавжуд фойдаланилмаётган имкониятларни ишга туширишга ҳамда иқтисодий самаралар олишга, натижада иқтисодиётни ривожлантириш учун белгилаган долзарб вазифаларни амалга оширишга йўл очади.

1.2. Миллий иқтисодиётга чет эл капитални олиб кириш ва қўшма корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига кенг кўламда интеграциялашуви, иқтисодиётга чет эл капиталининг кириб келиши учун республикамизда ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилди.

Ўзбекистон "очик эшиклар" сиёсатини олиб бориб, чет эллик инвесторлар тадбиркорлик фаолияти учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар ва кенг иқтисодий имкониятлар яратиб бермоқда. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганлигини амалда исботламоқда.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестицион шароит халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида миллий ҳуқуқий база вужудга келтирилган.

Мамлакатни ташқи иқтисодий сиёсатига доир принципларини белгилаб берувчи конституциявий қоидаларга асосланган ҳолда, "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Бож тарифи тўғрисида" қонунлари, Солиқ Кодекси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Чет эл инвесторлар учун энг қулай тартиблар яратилган ва улар такомиллаштирилиб борилмоқда. Чет эл сармояси иштирокида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш корхоналари очиш жараёни мумкин қадар соддалаштирилган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан корхоналар чет эл капитали иштирокидаги корхона деб ҳисобга олиниши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Иштирокчилардан бири чет эл катнашчи бўлиши;
2. Низом фонди 300 минг АҚШ долларида кам бўлмаслиги;
3. Чет эл капиталининг хиссаси корхона низом фондининг камида 30 %

ни ташкил этиши.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябдаги ПФ-3321 сонли "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631 сонли "Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, чет эл инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли Фармони ва бошқа ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон қарорини ижросини таъминлаш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг "Экспорт операцияларини «бир дарча» тамойили бўйича амалга ошириш механизминини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарори қабул қилинди. Унда асосан экспорт операцияларни амалга оширишда тўсиқларни бартараф этиш йоралари белгиланган.

Улар ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, чет эл инвесторлари учун қулай шароитлар яратиш ҳамда чет эл мамлакатлар билан савдо иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, қўшма корхоналар ташкил этишнинг ҳуқуқий-ташкилий асосини яратади.

Масалан, янги замонавий ишлаб чиқаришларни қуришга, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни жадал ривожлантиришга йўналтирилган стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш ва бунинг негизида янги иш ўринларини яратиш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жўшқин ривожлантиришга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ–1855- сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги инвестицион дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга асосан Республикада 2013 йилда амалга ошириладиган йирик инвестицион лойиҳалар асосан реал сектор корхоналарини модернизаштириш, техник ва технологик янгилашга қаратилади. Бундан ташқари, йирик объектларни ишга тушириш учун чет эл капитали кенг жалб этилиб, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилади.

Капитал дастурига киритилган лойиҳалар учун имтиёзлар, умумий рағбатлантириш чоралари белгиланган. Улар ўз ичига иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг капитал фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш дастурларини амалга оширишга чет эл капитални, энг аввало тўғридан-тўғри капитални кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш) финлари яратиш ва шу асосда республика иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни олади:

- хусусийлаштириш жараёнида чет эл инвесторларининг иштирок этишларини рағбатлантириш;

- корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлашни рағбатлантириш;

- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва кўпайтиришни рағбатлантириш;

- экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, чет эл сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Фармонида асосан чет эл сармоя иштирок этаётган корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, технологияни янгилашга ва ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришга сарфланадиган қисми соликлардан озод қилинди; чет эл сармоя иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағ сарфлаётган корхоналарнинг дастлабки беш йил ишлаши даврида улар даромаддан солиқ тўлашдан озод қилинади; чет эл сармоядорнинг чет элга ўтказиладиган даромадига 10 фоиз миқдорида солиқ белгиланган.

Чет капитали иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тартибини мураккаблаштирувчи идоравий ҳужжатлар чиқариш, қўшма корхоналардан ва инвесторлардан ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш таъқиқланади.

Экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи чет эл капитал иштирокидаги корхоналар учун қуйидаги қўшимча имтиёзлар жорий қилинган:

- уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредит олиш ҳуқуқи берилган, яъни бюджетга тўланадиган фойдадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва ер солиғи юзасидан тўловлар икки йилгача муддатга кечиктирилади;

- устав фондида чет эл сармоя улуши камида 500 минг АҚШ долларини ташкил этган корхоналар мулк солиғи тўлашдан озод қилинади.

Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи чет эл капитал иштирокидаги корхоналарнинг сўмдаги маблағлари хом ашё ва материаллар, бутловчи буюмлар ва технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш учун эркин муомиладаги валютага кафолатли ва ўз вақтида конвертация қилиниши, шунингдек кўрсатиб ўтилган корхоналарнинг чет эл муассисларига тегишли бўлган фойда ва дивидентларнинг конвертация қилиниши кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида соддалаштирилган виза режими, чет эл капитал иштирокидаги корхоналарга иш юзасидан шерикчилик алоқалари ўрнатиш учун келувчи чет эл фуқаролари ва мутахассисларининг келишлари ва кетишлар, яшашлари ҳамда республика ҳудуди бўйлаб юришларининг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Мулк шаклидан ва фаолият туридан катъий назар, барча инвесторларга тенг ҳуқуқлар берилди.

Инвестиция мақсади, фаолият йўналиши, тури ва ҳажмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тариқасида, танлов (тендер) савдосини ўтказиш йўли билан юридик ва жисмоний истеъмолчиларни капитал фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестор капитал объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш, шунингдек рекапитал кдпиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларида белгиланган мулк ҳуқуқини қўлга киритишни келтириб чиқармайдиган объектларга капитал киритиш инвесторнинг кейинчалик бу объектларга эгалик қилиш, уларни оператив бошқариш ёки улардан фойдаланишдан олинadиган фойда (даромадлар)да иштирок этиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида капитал ва инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилмайди.

Капитал ва инвесторларнинг бошқа активлари реквизиция қилинмайди.

Капитал фаолияти субъектининг капитал фаолияти натижасида олинган фойдаси (даромади) солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангач, унинг ҳоҳишига кўра, рекапитализация қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда чет эллик инвесторлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилган, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат эса чет эл капиталини жалб этиш ва улар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Шу билан бирга, жумладан, Ўзбекистонда чет эл капиталини жалб этиш борасида мавжуд ҳуқуқий-меъёрий асосларни янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

1.3. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетинг стратегияси ва уни бошқаришнинг ўрни

Миллий чегарадан ташқарида корхона маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ маркетинг, ёки халқаро компания томонидан томонидан амалга оширилган маркетинг халқаро маркетинг дейилади.

Миллий бозорлар ўртасидаги алоқаларнинг ўсиши, эҳтиёжлар бир хиллигининг кучайиши, халқаро стандартлаштиришнинг ривожланиши, давлатлараро битимлар амалиётининг кенгайиши ва халқаро рақобатнинг ривожланиши глобализм тамойилини келтириб чиқарди, бу эса ўз навбатида халқаро маркетингни ривожлантиришни талаб қилади.

Маркетинг - бу алоҳида шахс ёки ташкилотларнинг мақсадларини товарлар ва хизматларни айирбошлаш орқали, нархларни ҳамда ғояларни таклиф ва жорий этишни режалаштириш ҳамда ҳаётга тадбиқ этиш

жараёнидир. Қисқача, маркетинг – бу савдо жарёни орқали талабни кондиритиш бошқариш жараёнидир. Маркетингни бошқариш жараёни 4 та босқичдан иборат:

1. Бозор имкониятларини ўрганиш.
2. Масадли бозорларни танлаш.
3. Маркетинг мажмуасини ишлаб чиқиш.
4. Маркетинг тадбирларини стратегиясини ишлаб чиқиш, уни режалаштириш ва назорат қилиш.

Стратегик маркетингнинг фаоллиги истеъмол бозорининг тўйиниб бориши, технологик жараёнларнинг тезлашиши ва "Ноу-Хау"ларнинг жорий этилиши, шунингдек халқаро савдо-сотик ва ҳамкорлик учун тўсиқларнинг бартараф этилиши билан ифодаланади.

Замонавий маркетингнинг инновациялашуви товар модификациям, ассортиментни янгилаш, эҳтиёжларни қондиришнинг янги даражаларига эришиш, сотиш ва хизмат кўрсатишнинг мукамал усуллари ва коммуникациялар шаклидан фойдаланиш назарда тутилади. Буларнинг ҳаммаси товар ва хизматларнинг сифат кўрсаткичларини ошириш учун шароит яратади.

Маркетинг тадқиқотлари, корхона ютуқларининг ҳал қилувчи омиллари ва уларнинг кутилмаган тасодиқларини ҳисобга олган ҳолда имконият истиқболларини аниқлаш борасида корхона фаолиятининг стратегик тадқиқоти ўтказилади, маркетинг стратегияси ва уни амалга ошириш шакллари ишлаб чиқилади.

Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий таҳлилга бағишланган кўплаб ўқув қўлланма, дарслик ва ҳар қил адабиётларда тадқиқот ва таҳлил тушунчалари, аксарият ҳолларда, бир маънода синоним шаклида тушинилган⁸ ва уларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида аниқлаш, тушинтириш устида ҳеч қайси муаллиф иш олиб бормаган. У ҳолда ҳақли равишда нима

⁸ Е.П.Пешкова “Маркетинговый анализ в деятельности фирмы”, М.: 89,1997; Е.В.Попов, “Маркетинг”, №6(55) 2000 г, стр52.; А.Ваҳобов, А.Иброҳимов “Молиявий таҳлил”, Т.: Шарқ, 2002й.

учун ўқув режаларида “иқтисодий таҳлил”, “молиявий таҳлил”, “бошқарув таҳлили”, “хўжалик фаолиятлари таҳлили” фанлари киритилган ва шу номдаги дарсликлар яратилган, улар тадқиқот деб номланмаган деган ҳақли савол келиб чиқади.

Маркетинг тадқиқотлари ўзининг мақсади, камрови, даврийлиги, давомийлиги, амалга ошириш кўлами ва бошқа белгиларига қараб бир қанча йўналишларга ажратилади ва ўзига хос хусусият касб этади. Маркетинг тадқиқотлари, биринчи навбатда миллий иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа каби асосий ишлаб чиқариш тармоқлари йўналиши бўйича амалга оширилади.

Жадвал 1.3.1

Халқаро маркетингни стратегияси турлари таснифи⁹

Стратегик режалаштириш даражаси ва уни таҳлили	Стратегия турлари
Халқаро маркетингни асосий стратегиясини танлаш	1. Глобаллаштириш 2. Маҳаллийлаштириш 3. Локал ишлаб чиқариш
Корхона ва бозорларни ўрганиб стратегик қарорлар қабул қилиш	1. Ўсиш стратегияси 2. Ривожланиш стратегияси
Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (товар ва хизматлар) доирасида стратегик қарорлар қабул қилиш	1. Инновацион стратегия 2. Янгиланиш стратегияси 3. Босқичма-босқич такомиллаштириш стратегияси

Юқорида келтирилган 1.3.1 – жадвалда халқаро маркетинг стратегияси турлари келтирилган. Унда корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотишда турли омилларни таҳлил қилиш лозимлиги кўрсатилган. Бунда маркетинг тадқиқотлари иқтисодиётнинг барча соҳаларини ички ва ташқи бозордаги ўрни, салоҳияти, мамлакатимизга чет эл сармояларни жалб қилиниши зарур бўлган соҳалар каби йирик масалаларни ҳал қилишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

⁹ Муаллиф томонидан тайёрланган.

Маркетинг тадқиқотлари :

- ўзларининг асосий мақсадларига кўра: тавсифлаш, ахтариш, эксперимент ўтказиш юзасидан тадқиқотлар;
- бозордаги амалга ошириш кўламига кўра: маҳаллий, миллий, регионал, халқаро;
- ўтказиш муддатига кўра: ўзоқ муддатли, қисқа муддатли, тезкор ўтказиладиган маркетинг тадқиқотлари;
- давомийлигига кўра: бир маротабали, мавсумий, фавқулодда;
- маркетинг элементларига кўра: товар, нарх, коммуникация, сервис, реклама, дистрибуция йўналишидаги тадқиқотлар;
- тадқиқотларни амалга оширувчи субъектлар иштирокига кўра: бевосита ва билвосита тадқиқотлар ва бошқа жихатдаги тадқиқотларга гуруҳланади.

Бу келтирилган туркумлашни ҳам мукаммал деб бўлмайди. Хар бир мамлакат, худуд ёки корхона ўз услубларини қўллаши мумкин. АҚШнинг кўпгина йирик корхоналари маркетинг тадқиқотларини, аксарият ҳолларда, куйидаги йўналишларда олиб борадилар:

- корхона (корхона) фаолиятини стратегик режалаштириш ва унинг сиёсий жихатларини таҳлил этиш;
- корхонанинг ички ва ташқи маъсулиятини баҳолаш;
- реклама соҳасидаги тадқиқотлар;
- корхонанинг бозордаги ҳолатини таҳлил этиш;
- сотиш ва бозорни кенгайтириш борасидаги тадқиқотлар.

Маркетинг тадқиқотлари эмпирик, эксперт ва иқтисодий-математика усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодий жараёнларнинг боришини олдиндан айтиш жуда чекланган. Корхоналар ўз фаолиятини самарали олиб боришга интилиб ва тобора ўзоқроқ муддат учун олдиндан стратегик режалаштириш усулидан фойдаланади.

Жаҳон бозоридаги ўзгаришлар фан-техника тараққиёти йўналишларини таҳлил қилиш асосида корхонанинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун негиз бўладиган умумий мақсадлар белгиланади. Корхонанинг стратегияси фаолиятнинг бош дастурини, маркетинг, молия, ташкилий фаолият, кадрлар сиёсати ва бошқа соҳалардаги бирламчи йўналиш ва ресурслар таксимотини акс эттиради.

Чендлер А. "Стратегия ва структура" китобида қуйидагича таъриф беради: "Корхонанинг стратегияси - бу корхонанинг ўзоқ муддатли асосий мақсад ва вазифаларини шакллантириш, ҳаракатлар изчиллигини таъминлаш, шунингдек бу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ресурсларни таксимлашдан иборат"¹⁰.

Котлер Ф. корхонанинг стратегик режалаштириши ҳақида бундай деб ёзади: "Корхонанинг мақсадлари, унинг иложи бўлган имкониятлари билан маркетинг соҳасидаги муваффақият қозониш имконияти ўртасидаги стратегик мувофиқликни яратиш ва сақлаш бўйича бошқарув жараёнидир.

Стратегик режалаштириш корхонанинг аниқ ифодаланган дастурий баёнотига, ёрдамчи мақсадлар ва вазифаларни мўлжаллашига, соғлом хўжалик портфели ва уни стратегиясига таянади".¹¹ Дастурий баёнотда корхона фаолияти соҳалари товарлар ишлаб чиқариш, махсус технология нуқтаи назаридан ёки мижозлар доираси, уларнинг истак ва эҳтиёжларига хизмат кўрсатадиган бозор фаолияти томонидан тавсифланади. Корхона дастури асосида ҳар бир бўғиндаги корхона раҳбарияти учун мақсад ва вазифалар даражалари белгиланади, уларнинг кўлами ва вақти аниқлаб қўйилади. Ҳар бир менежер ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун жавобгар ҳисобланади. Бундай тизим (система) масалаларни ҳал этиш усули билан бошқариш дейилади. Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида маркетинг комплексининг айрим йўналишлари ёки корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари (бизнеснинг стратегик бирликлари) фаолияти

¹⁰ Чендлер А. «Стратегия и структура», М.: Консалтинг, 1991.

¹¹ Котлер Ф. «Основы маркетинга», М.: «Издательство и прогресс», - 1991., 13-17 бетлар.


натижаларини киёслаш усулига асосланган портфель таҳлили, шунингдек уларнинг корхонанинг умумий стратегиясидаги ўрнини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда йўналишлар ва бўлинмалар бизнеснинг стратегик бирлиги тарзида юзага чиқади. Дастурий баёнот, мақсад ва вазифалар даражалари, портфель таҳлили якунлари асосида корхонанинг иш стратегияси вариантлари шаклланади.

Вариантларнинг биринчи гуруҳида корхона ишлаб чиқариш бозор фаолиятининг мавжуд микёси ва йўналишлари даражасида ривожлантириш имкониятлари аниқланади. Улар корхонанинг ўзига тааллуқди ва интенсив ривожланиш кийёфасига эга. Вариантларнинг иккинчи гуруҳи интеграция (бирлашув) орқали маркетинг тизимининг бошқа қисмлари билан боғлиқ бўлган имкониятларни, учинчи гуруҳи маркетинг тизимига кирмаган, яъни диверсификация (ҳар томонлама кенгайиш) натижасида пайдо бўладиган имкониятларни қамрайди.

Ривожланишдаги интенсив йўналиш маҳсулот ва бозорни ривожлантиришда яширин имкониятларидан ҳозирга қадар фойдаланмаган корхоналарга нисбатан асосли ва хос бўлади. Бозорда чуқур урнашиш - ишлаб чиқарилган маҳсулотларни фаолият олиб борилаётган бозорларда маркетинг ҳаракатларини жадаллаштириш йўли билан (масалан, ҳаридорларни жалб этадиган ишлар - нархни пасайтириш, товар сотишдан кейин кўшимча хизмат кўрсатиш, реклама таъсирини кучайтириш) маҳсулот сотишни кўпайтириш имкониятларини излашдир.

Бозор ҳудудларини кенгайтириш маҳсулотларнинг янги географик районларга (мамлакатда ёки чет элларда), бозорнинг янги сегментлари, (истеъмолчилар гуруҳлари)га кириб боришини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун янги истеъмол ёки татбиқ соҳаларини излашни кўзда тутаяди.

Янги моделларни яратиш, маҳсулотнинг сифат томонидан табақаланган турларини ишлаб чиқариш йўли билан товарлар такомиллаштирилади.



Чизма 1.3.1. Чет эл капитали иштирокидаги корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятини стратегик режалаштириш модели¹²

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юқорида келтирилган 1.3.1 - чизмада корхонани ТИФни стратегик режалаштиришнинг модели келтирилган.

Интенсив ривожланишнинг юқорида санаб ўтилган усуллари ўзаро альтернатив тарзда қаралиши мумкин, шунингдек уларни фаолият босқичлари тарзида изоҳлаш ҳам мумкин.

Интеграцион тараққиёт вариантлари ўз тармоғида мустаҳкам ҳолатга ва тармоқ ичидаги маркетинг тизими бўғинлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш истикболларига эга бўлган корхоналарда учрайди. Вертикал интеграцияда оқим йўли бўйлаб маркетинг тизимининг айрим бўғинлари ўртасида бирлашув ёки доимий мувофиқлашув юз беради.

Асосий кўрсаткич маълумотлар йигиндиси, жорий маркетингга оид вазият баёни, хатарлар ва имкониятлар тафсили, вазифа ва муаммолар тафсили, маркетинг стратегияси, ҳаракатлар дастури, бюджет ва назорат.

Кейинги бўлим - маркетинг стратегияси бўлиб, у "ташкилий бирлик ўзининг маркетинг вазифаларини қандай таянадиган фикрий, мантикий қўрилма"дир ёки умумий маънода маркетинг стратегияси корхона имкониятларини бозордаги ҳолатга мувофиқлаштириш, қўйилган мақсадларга эришишнинг комплекс воситаларини белгилашдан иборат.

Самарали маркетинг стратегияси тадқиқотдан бошланади. Ҳарб экспертларининг баҳоларига кўра, сўнгги йилларда маркетинг тадқиқотларининг бюджети 3-4 бараварга ошган. Бу - объектив талаб, чунки аниқ ва тўлиқ маълумотларсиз компанияда мавжуд билимларни иқтисодий қийматларга айлантириш мумкин эмас. Маркетинг тадқиқотлари "Ким сотиб олаяпти?", "Бу товарни қаерда харид қилишмаяпти?", "Ушбу товарни нима учун сотиб олишмаяпти?" деган саволларга жавоб бериши керак. Бу корхона кимга ва қандай хизмат кўрсатаяпти ва қандай эҳтиёжларни қониқтиришини аниқ тушунишнинг ягона йўлидир.

Стратегияни ишлаб чиқиш жараёни "олтин" маркетинг қарори ёки кичик стратегиясини ўз ичига олади. Булар мақсадга мувофиқ бозорни танлаш, бозорда ўз сегментига эга бўлиш (мақсадли сегмент танлови), бозорга чиқиш

узулларини танлаш, маркетинг воситаларини танлаш, бозорга чиқиш вақтини белгилаш, бошқаришнинг корхонанинг стратегик мақсадларига энг мос келадиган ташкилий таркибини танлаш. Стратегияга қўйиладиган асосий талаблар: вариантларнинг аниқлиги, реаллиги, комплекслиги ва ҳилма ҳиллиги.

Маркетинг стратегияси вариантлари: ўзаро бир-бирини тўлдирадиган икки маркетинг стратегияси гуруҳлари мавжуд - бу маҳсулотга нисбатан стратегия ва бозорга нисбатан стратегия.

Умуман олганда, корхона маҳсулотига ўзига хос киёфа берадиган, уни рақибларнинг шунга ўхшаш товарларидан фарқлантириб, бозорда мустақил талаб яратадиган жами нарсалар шу стратегия таркибига киради.

Паст харажатлар стратегияси рақобатда афзалликларга эришишни маҳсулотни арзонроқ ишлаб чиқариш ва сотишни таъминлаш билан боғлайди. Паст харажатлар стратегиясини амалга оширишнинг бир қанча усуллари бор. Биринчи усул - корхона бозорда ўз сифатига кўра рақибларнинг маҳсулотларидан принцип жиҳатдан фарқ қилмайдиган ўз маҳсулотини бир фарқ билан - арзон нархда таклиф этади. Иккинчи усул — ишлаб чиқариш учун арзонга тушадиган маҳсулот андазасини яратишдан иборат. Учинчи усул - арзон хом ашё манбалари, арзон ишчи кучидан фойдаланишга асосланади. Паст харажатлар стратегиясини танлашда харажатлар бобида корхона ўз устунлигининг узоқ муддатли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шу сабабли паст харажатлар стратегиясини ўтказишнинг асосий шarti - корхонанинг бозорда етакчи мавқеини таъминлашга қодир бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясини ва маҳсулот сотишни узлуксиз такомиллаштиришдир.

Умуман олганда маҳсулот бўйича маркетинг стратегиясидаги бу уч вариантнинг ҳаммаси ёки танҳо ёхуд турли комбинацияларда қўлланиши мумкин. Масалан, агар корхона иккала соҳада ҳам рақиблар олдида устунликка эга бўлса, яъни уни рақиб корхоналар орасида ажратиб турадиган илғор технология, юксак меҳнат унумдорлиги ва бошқа ютуқ омилларига эга

бўлса, табакалаштириш стратегияси паст харажатлар стратегиясига кўшиб олиб борилиши мумкин.

Бозорга нисбатан, бозор бўйича ҳам уч асосий стратегия гуруҳлари мавжуд - булар: кенг микёсли, "плаццармни эгаллаш" стратегияси, бозорни табакалаштириш, ихтисослашув ёки бозор "сўқмоғи" стратегияси.

Ахборот ривожланган, рақобат кураши шакллари ўзгарган ҳозирги шароитда корхоналар бозор "дарчалари" стратегиясини тобора кўпроқ қўллашни афзал кўради. Чет мамлакатлар тажрибадан маълумки, истисносиз деярли барча иқтисодий барқарор корхоналар ва йирик компаниялар ўз фаолиятида ушбу усуллардан кенг фойдаланган.

Маркетингда бозорнинг вертикаль ва горизонтал "дарчалари"ни топишга мўлжалланган турлари мавжуд. Вертикаль бозор "дарчаси"нинг моҳияти корхонанинг бир турдаги маҳсулотини истеъмолчиларнинг турли гуруҳларига сотишдан иборат. Масалан, турли электрон-ҳисоблаш машиналарини ҳар бир истеъмолчи учун алоҳида тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва сотиш кўп маблағ талаб қилади. Шунинг учун ҳам ушбу маҳсулотлар универсал талабларга жавоб бера оладиган параметрларда ишлаб чиқарилади.

Масалан, математик Д. Фон Нейман ИБМ учун умумий мақсадларга мўлжалланган ЭХМиинг моддий қисмидан маълумотларга ишлов бериш бўйича кенг доирадаги операцияларни бажаришда фойдаланиш технологиясини таклиф этди, бу эса компьютерларни яратиш ва ривожлантиришга асос солди. Ҳозирги кунда ҳеч бир фаолиятни компьютер технологиясиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бозорнинг горизонтал "дарчаси"га мўлжалланган маркетинг корхона ишлаб чиқариши диверсификациялашни, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турли-ҳилини кўпайтиришни, маҳсулот чиқарилаётган ҳудудларни кенгайтиришни ёки истеъмолчиларга тобора кўп турдаги хизмат кўрсатишни назарда тутди. Бундай товарлар билан хизматлар ўртасида функционал ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик бўлиши шарт эмас.

Ҳозирги тез ўзгарувчан жаҳон бозори шароитида бозор "дарчалари"ни аниқлаш ҳали банд этилмаган бозор идарчалари"ни муттасил излашга қаратилган жараёндир.

Шундай қилиб, умумий маркетинг стратегияси мақсадли бозорга нисбатан стратегияни ифодалаб беришни ўз ичига олади, у:

- мақсадли бозорлар танлаш;
- маҳсулотга нисбатан стратегия;
- маркетинг комплексида етакчи йўналишларни аниқдаш, маркетинг қисмларини ташкил этишда (товар, реклама, ўраб-жойлаш, таксимот йўллари ва хоказо) стандарт ёки ҳар бир бозорнинг ўзига хос томонларига мослаштириш учун яқка тартибда ёндашувлардан фойдаланиш;
- умумтармоқ қўмаклашувчи стратегияси;
- мақсадли бозорлар учун қўшимча стратегияларни ўзига жамлайди.

Халқаро маркетинг стратегиясининг икки муқобил (кескин фарқ қилувчи) қўриниши бор: табақаланмаган (фарқланмаган) ва табақаланган.

Табақаланмаган маркетинг стратегияси турли бозорлардаги талаб ва дид эҳтиёжлари, ҳуқуқий меъёрлар, тил талаблари, маданий тафовутлар ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритилган товарлар таклифининг ўзига хос томонларини аниқлашга асосланади.

Рақобат курашида корхонани маркетинг хизматининг моҳияти катта, чунки жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотилиши сифат/нарх нисбатлари билан белгиланади.

Ҳозирги даврда рақобат ўзига хос шаклга эга бўлиб, унда фақатгина маҳсулот сифати ва нархи эмас, балки самарали рекламани ташкил этиш ҳам муҳимдир. Нархлар соҳасида рақобат ишлаб чиқаришни харажатлар энг кам бўладиган мамлакатларда йўлга қўйишини, сифат бобида эса халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувини талаб этади.

Биринчи боб бўйича хулоса.

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш орқали мамлакатга қўшимча молиявий ресурслар жалб қилиниши билан бирга, замонавий технологиялар, бошқарув усуллари жорий этилиши иқтисодий назария асосчилари томнидан ҳам қайд этилган. Классик иқтисодиёт назария асосчилари А.Смит ва Д.Рикардо томонидан ўрганилиб, таклиф этилган нисбий ва мутлоқ устунлик назариясига асосан ташқи бозорга чиқиш ҳамиша рақобат курашига тортилиш демакдир. Макон товар бозорлари ғоят тўйинган, таклиф талабдан устун бўлган шароитларда ҳар бир товар ва унинг ортида турган товар ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг назарига тушиш учун рақобат кураши олиб боришга мажбур. Умуман олганда рақобат деганда бирон бир соҳада айрим истеъмолчилар ўртасидаги бир мақсад учун курашда олиб бориладиган рақиблик, қарама-қаршилик тушунилади.¹³ Бозор иқтисодиёти шароитида чет эл капитали жаҳон бозорида эркин ҳаракат қилади, лекин у биринчи навбатда юқори даромад берадиган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик мавжудмамлакатларга йўналтирилади.

Ўзбекистонда чет эллик инвесторлари учун қулай инвестициявий муҳит яратилган, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат эса чет эл капиталини жалб этиш ва улар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Ўзбекистонда чет эл капиталини жалб этиш борасида мавжуд ҳуқуқий-меъёрий асослари доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Жумладан, 2012-2013 йилларда чет эллик инвесторлари учун яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича фаолият давом эттирилмоқда.

Мамлакатда чет эллик инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча ишлаб

¹³ Абдуллаев Ё., Туляганова Ш. Менежмент ва маркетинг асослари. Укув қўлланма. Тошкент молия институти. 2006.

чиқариш инфратузилмаларини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципини қабул қилинди ва амалда оширилмоқда..

Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, унинг экспорт салоҳиятини оширишда халқаро маркетинг стратегиясини амалга ошириш муҳим аҳамият касб қилади.

Бир томондан, бу маҳсулотни режалаштиришнинг ғоят оддий усули, чунки янги товарни яратиш шарт бўлмай, унга бирмунча ўзгаришлар киритиш кифоялиги назарда тутилади. Иккинчи томондан, стратегияни қўллаш реклама, дизайн ва товар силжиши учун қўшимча харажатларни оширишга шунингдек марказлашган бошқаришни чеклашга олиб келади. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда корхоналар халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва режалаштиришда кўпроқ омихта ёндашувлардан фойдаланмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги корхоналар тажрибасидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарни ТИФни такомиллаштиришда халқаро маркетингга ката аҳамият қаратилади. Бунинг учун трансмиллий компаниялар томонидан маҳаллий шарт-шароитни ўрганиш учун ўрта ва узоқ муддатли маркетинг стратегияси ишлаб чиқилади ва бунда ушбу мамлакат ва ҳудудга таълуқли барча хусусиятлар ўрганилади.

Ўзбекистонда ҳам чет эл капитали иштирокида фаолият юритаётган корхоналарда халқаро маркетинг стратегиясини ташкил этишга катта аҳамият қаратимокда. Масалан, Асака автомобиль корхонаси томонидан ишлаб чиқаорилаётган автомобиллар кескин рақаботлик шароитида Россия, Украина бозорларида яхши харид қилинмоқда. Бунда амалга оширилаётган халқаро маркетинг стратегияси муҳимм аҳамиятга эга.

2-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧЕТ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Ўзбекистон Республикасида чет эл капиталини жалб этиш борасида яратилган шарт-шароитлар

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий – ижтимоий ривожда чет эл капиталини, ва биричи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга ҳаракат қилади. Бу иқтисодиёт соҳаларига қўшимча молиявий ресурсларни киритиш билан бирга, чет эл капитални иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарга янги технология ва бошқарув усуллари киритиш, чет эллик шериклар ёрдамида халқаро маркетингни ташкил этиш имкониятини келтирилади. Шу боис ҳам республикада инвестиция муҳитини шакллантириш, ривожлантириш ва уни рағбатлантириш мақсадида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Мазкур ҳужжатлар асосида яратилаётган имкониятлар чет эллик инвесторларнинг давлатимизга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ошиб боришига, улар томонидан иқтисодиётимизга киритилаётган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар ҳажмининг кўпайишига омил бўлмоқда.

Бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, модернизация, техник ва технологик янгиланиш шароитида Ўзбекистонда яратилган қулай инвестициявий муҳит, чет эл инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан яратилган кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими чет эл капитални учун шароит яратиб берди.

Натижада республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида чет эл инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция

умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса чет эл инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истикболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун чет эл инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, чет эл инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган чет эл инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига чет эл сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, чет эл инвесторлар ҳамда чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мамлакатга кириб келаётган чет эл капитални миқдорини кескин ошириш имкониятини беради.

Ўзбекистонда қонун асосида чет эл инвесторлар ҳамда чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламдаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилган.

Республикада қабул қилинган қонунлар ва қонун асосидаги ҳужжатлар чет эл инвесторлари иштирок этиши учун солиқ ва божхона соҳасидаги имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг, сиёсий ва тижорат соҳаларидаги хавф хатардан кафолатларнинг яхлит тизимини, қулай қонуний шароитларини яратилган. Натижада биргина 2012 йилда иқтисодиётга 11

миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва чет эл инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини чет эл инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри чет эл инвестициялардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ–4434-сон “Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида асосан чет эл инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик истеъмолчилардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар.

Шунингдек, корхонанинг устав капиталида чет эл иштирокчиларнинг улуши 50 фоиздан 33 фоизга камайтирилди, корхоналарга давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларни киритиш талаби бекор қилиниб, мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга имтиёзлардан олинган даромадни йўналтиришнинг фоизи аниқлаштирилиб, у камида 50 фоизни ташкил этиши белгилаб қўйилди.

Хусусан, қиймати 50 миллион АҚШ долларида ошадиган ва чет эл инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи

муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади. Яъни, катта маблағ ва вақт талаб қиладиган тадбирларни амалга оширишни республикани мутассади органлари амалга оширади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармони билан белгиланган солиқ имтиёзлари 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида фаолият юритаётган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштирилаётган чет эл сармоялар иштирокидаги корхоналарга татбиқ этилди.

Республика иқтисодиётини устувор корхоналари томонидан тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб этилса, улар 2005 йилнинг 1 июлдан юридик истеъмолчилар даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлалаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқидан, кичик бизнес субъектлари эса ягона солиқ тўлови ва Республика йўл фондига тўловлардан озод қилинади.

Ушбу солиқ имтиёзлари қуйидаги ҳажмдаги тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларига қўлланилади:

- 300 минг АҚШ долл. дан 3 млн. АҚШ долл. гача 3 йил муддатга;
- 3 млн. АҚШ долл. дан ортиқ 10 млн. АҚШ долл. гача 5 йил муддатга;
- 5 млн. АҚШ долл. дан ортиқ инвестициялар 7 йил муддатга берилади.

Бу эса ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожига учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан чет эл инвесторлар ҳамда чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар ўрнатилиши қатъиян

тақиқланди, бу ҳол қонунга ғилоф деб ҳисобланиб, уни бузган маъсул истеъмолчиларга нисбатан қонун билан белгиланган чоралар кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига чет эл инвесторларнинг, чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари сўзсиз риоя этишлари устидан каттиқ назорат ўрнатиш ҳамда қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор истеъмолчиларни жавобгарликка тортиш белгиланди.

Давлат мулкани чет эл инвесторларга сотишда тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясига чет эл инвесторларнинг буюртманомалари бўйича чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш ҳуқуқи берилди. Бу эса инвесторларни ишлаб чиқариш биноларини тезда ва арзон нархда харид қилиши учун имконият беради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигига вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг буюртманомалари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган чет эл компанияларнинг мансабдор истеъмолчилари ва мутахассисларига 12 ой муддат билан кириш визалари ҳамда кўп марталик визалар расмийлаштирилиш бўйича кўрсатма берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банкни жалб этган ҳолда чет эл инвесторларга ўзларининг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари учун Давлат бюджети ва унинг ижроси, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо ҳамда бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан тизимли асосда белгиланган тартибда кенг

фойдаланиш имкониятларини бериш юклатилди. Бу эса чет эллик тадбиркорларга ишлаб чиқаришни режалаштириш, экспорт стратегиясин ишлаб чиқиш ва ўз фаолиятларини режалаштириш учун имконият яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасига Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда чет эл инвесторлар ҳамда чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун берилган кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликларга доир қонун ҳужжатларининг амалда рўёбга чиқарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатиш ҳамда берилаётган имтиёзлар ва афзалликларга вазирликлар, идоралар ва бошқа ижрочилар томонидан бузилиши бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот бериш юклатилди. Бу юз бераётган ҳолатларни олдини олиб ва унинг оқибатларини тезда бартараф этиш имконияти беради.

Бундан ташқари, 2012 йил 25 декабрда “Бож тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унга кўра, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида 33 фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 2 йил давомида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулклар учун бож ундиришдан озод қилинади, деб белгиланди.

2012 йил 25 декабрда “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унга кўра, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида 33 фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 2 йил давомида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк бож ундиришдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилиниши назарда тутилди.

Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган устувор иқтисодий тармоқлар:

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

- тайёр ип газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек трикотаж газлама ишлаб чиқариш;

- тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

- табиий терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати.

3. Ипакчилик саноати:

- шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати:

- қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати:

- маҳаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкоголсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати:

- гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сарийғ, шунингдек ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.

9. Кимё саноати.

10. Нефть-кимё саноати.

11. Тиббиёт саноати, шунингдек ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.

12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.

13. Муқобил энергия манбалари негизида электр станциялари куриш.

14. Кўмир саноати:

- кўмирни бойитиш;
- кўмир брикетларини ишлаб чиқариш;
- сланец саноати.

15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.

16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш:

- машинасозлик;
- трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги;
- курилиш, йўл ва коммунал машинасозлик;
- енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.

17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.

18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.

19. Микробиология саноати.

20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.

Келтирилган рўйхатдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Президентининг Фармонида асосан мамлакатимиз учун устувор аҳамиятга эга бўлган соҳалар киритилган. Берилаётган ушбу имтиёзлар бу соҳаларга чет эл инвесторларини кенг жалб қилиш имкониятини беради, бу эса ўз навбатида фақатгина мамлакатда макроиқтисодий барқарор ўсишни таъминлаб, янги замонавий технологиялар ва бошқарув усулларни олиб келинишини таъминлаш билан, соноатда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ўсиши учун шароит яратади.

2.2. Ўзбекистон Республикасида чет эл капитали иштирокидаги корхоналарни халқаро маркетинг фаолиятининг таҳлили

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг иқтисодиётни модернизация қилишда чет эл капиталининг ўрни тўғрисидаги ғоялари, мамлакат

иқтисодиётига тўғридан-тўғри чет эл капитал оқимини кенгайтириш вазифалари ва буларнинг негизида илғор замонавий технологияларни олиб келиш ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш вазифаларини таъминлаш ва мамлакатни экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги қабул қилинган фармон ва қарорлари асосида мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий глобаллашув шароитида, мамлакатни рақобатдшлигини таъминлашда устувор йўналишларидан бири бўлмиш чет эл капитални, биринчи галда, тўғридан-тўғри капитални жалб этиш борасидаги вазифаларни ҳар томонлама такомиллаштириш масалалари жуда долзарб масала ҳисобланади.

Интеграция шароитида капитал сиёсатини юритишда тўғридан-тўғри чет эл капиталнинг ўрни, уни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилиши, чет эл сармоядорларига яратилган кафолат ва имтиёзлар, капитал фаолиятини молиялаштиришда чет эл капиталининг ўрни, капитал фаолиятида чет эл капитални кириб келиш оқимини рағбатлантириш ва капитал фаолиятини такомиллаштириш масалалари ечими миллий иқтисодиёт ривожини учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Масалан, 2011 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми миллий валютада 18291,3 млрд.сўм бўлган бўлса, 2012 йилда 22067,0 млрд.сўмга етиб, ўсиш даражаси 111,6 фоизни ташкил қилди.

2011 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳажми 10,7 миллиард (2010 йилга нисбатан 112,5 фоиз), 2012 йилда 11,7 млрд. АҚШ долларидаги эквивалентига тўғри келди (2011 йилга нисбатан 114,0 фоиз). Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган барча инвестицияларни ҳажми тақдим қилинган. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, республикада иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестицияларнинг асосий манбаси бу корхоналарнинг ўз маблағлари ва аҳоли жамғармалари ташкил этади. Чет эл инвестициялари ва кредитлари эса ушбу маблағларнинг деярли $\frac{1}{4}$ ташкил этади.

Кейинги йилларда кузатилаётган барқарор макроиқтисодий ўсиш суръатлари, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида сақланиб келмоқда. Масалан, 2013-йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,2 фоиз, жумладан, хорижий инвестициялар 35,5 фоизни ташкил қилди. 587 ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ доллариغا тенг янги 114 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жадвал 2.2.1

Ўзбекистонда 2010-2012 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши¹⁴

жами инвести циялар, млрд. сўм				шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича, якунга нисбатан фоиз ҳисобида																	
				давлат бюджети маблағлари			суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари			корхоналар ва аҳоли маблағлари			чет эл инвестициялари ва кредитлари			банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари			бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ¹⁵		
Жами		2010й.	2011й.	2012й.	2010й.	2011й.	2012й.	2010й.	2011й.	2012й.	2010й.	2011й.	2012й.	2010й.	2011й.	2012й.	2010й.	2011й.	2012й.		
15409,1					7,2	6,0	5,1	0,6	0,5	0,4	47,3	50,2	50,8	28,8	25,1	21,7	9,1	11,1	11,4		
18291,3																					
22067,0																					

¹⁴ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотларига асосан тайёрланди.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда

Ўзбекистон Республикасида 2012 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 12917,4 млрд. сўми ёки 70,6 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 5373,9 млрд.сўми ёки 29,4 фоизи эса ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди. Ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган маблағларнинг 50% ортиғи саноат соҳасига жалб этилган. Саноат соҳаларига йўналтирилган маблағларнинг 50% яқини ёнилғи-энергетика секторига тўғри келади. Жумладан, республикага киритилган чет эл капиталининг асосий қисми ёнилғи-энергетика ва транспорт алоқа соҳаларига йўналтирилган (жадвал 2.2.2). Чунки ушбу соҳаларда энг юқори даромад берувчи ва жаҳон бозорида талабгор бўлган маҳсулот ва хизматлар яратилади.

Жадвал 2.2.2

Ўзбекистонда 2010-2012 йилларда иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитларини ўзлаштириш кўрсаткичлари, жамига нисбатан %да¹⁶

Соҳалар	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Ёнилғи – энергетика	9,8	27,7	30,2
Машинасозлик	1,5	1,0	2,6
Енгил саноат	4,4	1,0	3,9
Қурилиш материаллари саноати	3,9	1,8	4,5
Озиқ – овқат саноати	1,6	1,3	1,3
Транспорт ва алоқа	50,6	40,6	37,5
Коммунал хўжалик	0,7	2,0	4,0
Кимё ва кимё маҳсулотлари	-	1,0	4,5
Бошқа тармоқлар	11,2	16,8	14,2

¹⁶ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотларига асосан тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви, 2008 йил бошланиб давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини сақлаб қолиши ва ошириши, эркин ва демократик жамият қуриши учун кенг қўламли иқтисодий модернизация, техник ва технологик янгилаш жараёни амалга оширилмоқда. Бу мамлакатнинг стратегик вазифаси ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш, миллий иқтисодиётга инновацион технологияни киритишни, меҳнат унумдорлигини оширишни ва тежамкорликка асосланган ишлаб чиқариш жараёнларини ва жаҳон иқтисодиётининг илғор усулларни жорий этишни талаб қилади. Бундан ташқари мамлакатимизни умумжаҳон бозорида ўзининг ўрнини топиши ва мустақкамлаши учун ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ҳамда интеграцион жараёнларда фаол иштирок этиш лозим. Ушбу жараён миллий иқтисодиётимизни ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлиги билан ўзвий боғлиқдир.

Режалаштирилган мақсадларни ҳаётга тадбиқ этиш учун иқтисодий сиёсатда кенг қўлланиладиган омиллардан бири чет эл капитали ва технологияларини кенг жалб этиш, қўшма корхона ҳамда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Ушбу жараён жаҳон иқтисодий ривожининг сезиларли тенденциясига айланиб кўпчилик мамлакатлар амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолди. Уни асосида бир қатор қонунлар, қонун ости ҳужжатлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Уларда асосий эътибор, модернизация, техник ва технологик янгиланиш асосида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг капитал фаолиятини жадаллаштириш дастурларини амалга оширишга чет эл капиталини, энг аввало тўғридан-

тўғри капитални кенг жалб этиш, чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда республика иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш ҳамда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек республика иқтисодиётига сармоя қўядиган чет эл инвесторлари, компаниялар ва корхоналарни жалб этиш ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш узок муддатга режалаштирилган муҳим вазифаларидир.

Чет эл капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарни экспорт салоҳиятини оширишда халқаро маркетингни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки, ташқи бозорни чуқур ўрганмасдан ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиб бўлмайди.

Чет эл капиталининг миллий иқтисодиётга жалб этилиши қисқа вақт ичида мулкчиликнинг турли шаклларининг ташкил топишига кўмаклашади, уни тузилмавий қайта қуришни, нуфўзли тармоқларни барпо этишни таъминлайди. Энг муҳими эса, бу Ўзбекистоннинг интеграция жараёнларда кенг иштирок этиши, жаҳон бозорига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар (товар, хизматлар) олиб чиқишини ва унда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Бунинг оқибатида экспортнинг ўсиши ва республика тўлов балансининг ижобий кўрсаткичларини янада ўсиши таъминланади. Бу эса мамлакатни иқтисодий салоҳиятини ва обрўсини янада ошишини таъминлаб, миллий валютани барқарорлигини таъминлаш имкониятини беради.

Қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш йўлларида бири Ўзбекистонда чет эл капиталини янада кўп жалб этиш учун яратилган қулай муҳитни янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Чунки, жаҳон бозорида инвестицион ресурсларга эҳтиёж катта. Рақобатдошлик шароитида чет эл капиталини жалб этиш хажмини ошириш учун нафакат иқтисодий қонунчиликга, балки унга бевосита алоқадор бўлмаган қатор

соҳалар ва тармоқларда амалга оширилатган жараёнларнинг амалга ошириш ҳолати билан ҳам боғлиқдир. Масалан, кўчмас мулк бозоридаги фаоллик иқтисодий тармоқларда хусусий мулк ва давлат мулки бўлган корхоналарнинг ўзаро рақобати, инфратизилманинг ривожланиш суръатлари ва бошқа омиллар.

Иккинчи йўналиш, бу макроиқтисодий ўсишнинг барқарорлиги бўлиб, бу тўғридан - тўғри чет эл капиталини жалб этилишининг асосий омили ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли иқтисодий – ижтимоий ислохотлар натижасида 1996 йилдан бошлаб барқарор макроиқтисодий ўсиш кузатилмоқда. Хусусан, 2005 йилдан бошлаб ЯИМни йиллик ўртача ўсиш суръати 7-8% юқори бўлмоқда.

Учинчи йўналиш, экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Ўзбекистон энг самарали ва катта ҳажмга эга денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти йўқлиги учун транспорт инфратизилмасини тезкор ривожлантириш талаб қилинади.

Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳиётидан самарали фойдаланиш учун чет эл капиталини жалб этиш, улар иштирокида корхоналар фаолиятини ривожлантириш, халқаро маркетингни ташкил этиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишда ҳудудий хусусиятларга эътибор бериш зарур.

Жумладан:

а) қўшма корхона барпо этишда аввало хом - ашё базасига яқинлиги ҳисобга олиниши керак. Бунда корхоналар қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаларида фаолият юритишади. Масалан, Навоий ва Жиззах вилоятларида ва Ангрен шаҳрида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш учун қўшма корхоналарни ташкил этишни назарда тутати.

б) қўшма корхоналар барпо этишнинг кейинги муҳим хусусиятларидан бири малакали меҳнат ресурсларини етарлилик даражасидир. Маълумки янги ташкил этилган ёки салоҳияти кенгаёётган корхоналарга кўп сонли малакали

ишчи кучи талаб этилади. Бундай корхоналар электротехника, машинасозлик, енгил, озиқ-овқат саноати тармоқларида фаолият юритишади. Ушбу йўналишда фаолият юритаётган қўшма корхоналар аҳолиси зич жойлашган ва малакали кадрлар потенциалли катта ҳудудларга жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Республикада бундай ҳудудларга, биринчи навбатда Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро, Хоразм ва Самарканд вилоятларини киритиш мумкин;

в) қўшма корхона барпо этишнинг яна бир муҳим талаби - истеъмолчиларнинг яқинлиги. Бу талаб катта аҳамият касб этиб, унинг қўшма корхона самарали фаолият юритишдаги ўрни бениҳоя катта. Бундай корхоналарга иқтисодийнинг маданият, санъат ва саёҳат, соғлиқни сақлаш, савдо ва умумий овқатланиш, кўрилиш, алоқа ва бошқа соҳаларида фаолият юритаётган қўшма корхоналарини киритиш мумкин. Масалан, сайёҳлик тармоғида қўшма корхоналарни катта тарихий ва меъморий обидаларга бой Хива, Бухоро, Кўкон ва Самарканд шаҳарларида, табиий ва иқлим шароитлари дам олиш учун қулай ҳудудларда, чет эл ишбилармонлар ва мекмонлар кўп ташриф буюрадиган марказларда, масалан, Тошкент, Самарканд шаҳрида барпо этиш мақсадга мувофиқдир;

г) қўшма корхоналар барпо этишда, ушбу корхоналар фаолиятининг атроф муҳит экологиясига ва аҳоли саломатлигига таъсири ўрганилиб, сўнгра ҳал қилиниши даркор. Янги корхоналарга кам микдорда чиқинди чиқарадиган замонавий технологияларга асосланган ва тежамкор дастгоҳлар олиб кирилиши лозим. Бунда қўшма корхоналар аҳоли зич бўлмаган ва табиатга кам зарар келтирадиган ҳудудларда жойлаштирилиши керак.

Республикаимиз минтақалари иқтисодий ривожланишида чет эл капитали иштирокидаги корхоналар алоҳдда ўрин эгаллайди. 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг аксарият қисми Тошкент шаҳрида, Тошкент ва Самарканд вилоятларида жойлашган.

Жадвал 2.2.3

Чет эл капитали иштирокида фаолият юритаётган корхоналарни 2010-2012 йилларда мамлакат экспортидаги хажми¹⁷

(млн. АҚШ долларида)

Худудлар/йиллар	Экспорт			Олдинги йилга нисбатан, % да		
	2010	2011	2012	2010	2011	2012
Ўзбекистон Республикаси	1793,8	2437,8	2661,9	55,0	135,1	109,2
Қорақалпоғистон Республикаси	10,1	10,4	7,1	40,8	103,9	68,3
Андижон	543,4	813,6	797,4	199,8	149,6	98,0
Бухоро	46,1	54,3	60,1	3,7p	117,6	110,8
Жиззах	17,5	23,7	8,6	2,5p	135,3	36,3
Қашқадарё	27,4	51,4	59,1	1,5	187,6	114,9
Навоий	38,0	20,7	22,1	111,9	54,4	106,9
Наманган	42,4	45,8	49,9	2,3p	107,8	108,9
Самарқанд	45,7	76,7	90,5	67,8	167,7	118,0
Сурхондарё	20,4	21,1	18,6	64,0	103,4	88,1
Сирдарё	17,8	13,6	34,1	2,2p	76,7	2,5p.
Тошкент	417,9	455,1	398,9	175,6	108,8	87,6
Фарғона	113,7	118,1	139,5	128,1	103,9	118,2
Хоразм	12,3	16,9	10,1	171,1	137,8	59,8
Тошкент ш.	441,2	716,4	965,9	70,3	159,1	134,9

¹⁷ Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотларига асосан тайёрланди.

Қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳамда экспорт ҳажмининг 80 фоизидан кўпроғи Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри улушига тўғри келади. Тўртда худудда - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах Хоразм, Сурхондарё вилоятлари қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинган маҳсулотларнинг улуши бор-йўғи 3 фоизни ташкил этади (жадвал 2.2.2). Ушбу ракамлар қўшма корхоналарнинг худудий жойлашишида мавжуд жиддий номутаносибликлар мавжудлигидан ҳамда иқтисодий жihatдан суст ривожланган минтикаларда мавжуд ресурс ва имкониятлардан унумли фойдаланилмаётганлигидан далолат беради. Бу номутаносибликни бартараф этиш учун ҳар йили худудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиб, жойларда янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилмоқда.

2.3. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятида халқаро маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси

Ҳозирги кунда глобаллашган бизнес шароитида жаҳон бозори тараққиёти юқори ривожланган рақобатдошлик шароитида ривожланмоқда. Глобаллашув жараёни инсоният фаолиятининг барча жабҳаларида ҳамда жаҳон бозори ва худудий иқтисодиётларни интеграллашуви билан тавсифланади. Натижада, замонавий технология ва бошқарув усулларни ишлаб чиқариш жараёнига тезкор ҳамда кенг жорий этилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг тезлашиши кузатилмоқда. Миллий иқтисодиётларни ўзаро боғлиқлиги даражасини ўсиб бориши, интеграцион жараёнларни фаоллашиши бизнесни ташкил этишга глобал, яъни умумжаҳон миқёсида ташкил этишни талаб қила бошлади. Бу шароитда корхоналарни ишлаб чиқариш фаолиятида ташқи иқтисодий алоқалар муҳим аҳамият касб қилади.

Чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналар томонидан чет эллик ҳамкорлари билан иқтисодий, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий

алоқаларни кенгайтиришга бўлган интилишлари кенгайиб боради. Чунки, миллий иқтисодий реал сектори ва алоҳида олинган корхонани жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлаш ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологиялар ва менеджментни доимий жорий этилишини талаб қилади. Бу борада, чет эл капитали иштирокида қўшма корхона ташкил этилиши жуда катта самара беради. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини мамлакатни реал секторига киритилиши ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш билан бирга замонавий бошқарув усулларини жорий этиш (менеджмент) имкониятини беради. Буэса ишлаб чиқаришда фаолият юритаётган миллий кадрларни касб тайёргарлигини ошириб, уларни касбий даражасини оширади. Бундан ташқари қўшма корхоналарни ташкил этилиши натижасида чет эллик ҳамкорлар кўмагида ташқи бозорларни ўрганиш (маркетинг) ва уларга маҳсулот олиб чиқиш имконияти кенгайди.

Корхонанинг халқаро ишлаб чиқариш, илмий-техникавий кооперацияси, маҳсулотни импорти ва экспорти, уни ташқи бозорга чиқиши билан боғлиқ фаолияти унинг ташқи иқтисодий фаолияти деб аталади.

Жаҳон бозорларида рақобатдошлик жараёнини кучайиши, ишлаб чиқаришни технологик ва ташкилий моделларини мураккаблаштириши ҳамда диверсификациялаштириши, ташқи иқтисодий фаолиятни информацион таъминотини тезлаштириши ва муносабатларини кенгайтириши иқтисодий омиллардан кенг фойдаланишни талаб қилади. Жумладан, корхонанинг истиқболли ривожланишининг соҳа ва турларини белгилашда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Маркетинг таҳлил орқали, корхонанинг имкониятларидан келиб чиқиб мамлакат ичида ва халқаро бозорларда унинг маҳсулотларига бўлган талабларни чуқур ўрганиш имконияти туғилади. Бу эча таваккалчилик йўқатишларни камайтириб, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини барқарорлаштириш имкониятини беради ва ташқи бозорларда ўз ўрнини эгаллаш учун шароит яратади.

Чет эл капитали иштирокидаги корхона фаолиятида маркетингни ташкил этиш – бу унга юкланган вазифаларни бажарувчи бўлимларнинг

тўзилиши ва уларнинг ўзаро масъулиятларини, ҳамда боғлиқликларини ифодаловчи тизимини яратишдир. Бундай тизим корхона ишлаб чиқариш жараёнидан бозорда маҳсулот сотилишида иштирок этаётган барча субъектлар давлат ёки нодавлат, тижорат ёки нотижорат, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида фаолият кўрсатаётган муассасалар ва ташкилотларда тузилган маркетинг хизматларини ўз ичига олади.

Маркетинг хизматининг махсус вазифалари: бозордаги товар ҳаракатини ўрганиш, нарх-наво, талабнинг шаклланиши, сотишни рағбатлантириш шаклида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар маркетинга, ҳар бир маълум бозор сегментлари бўйича муайян бир даврга белгиланган энг юксак иқтисодий самарага йўналган мақсадларга эришиш воситаси сифатида қаралади. Бироқ корхона бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга мувофиқ ўзининг илмий - техникавий ишлаб чиқариш ва сотиш режаларини мунтазам ўзгартириб туриш имкониятига эга бўлганида, маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиқиб, стратегик ва тактик вазифаларини ҳал этишда зарурий мослашувини таъминлаш учун ўз моддий ва ақлий ресурсларидан самарали фойдаланилгандагина бу ҳаётийликка айланади. Маркетингни бошқариш эса корхона бошқариш тизимининг муҳим элементи бўлади.

Мақсадни танлаш. Корхона янги бозорга кириб борганда асосий мақсад фойда олиш эмас, балки ушбу бозорни эгаллаш бўлиши керак. Бунда корхона фойда олмаслиги, аксинча ҳатто зарар ҳам кўриши мумкин.

Маркетинг бўйича юқори кўрсаткичларга эришган японлар тажрибасидан келиб чиқиб қуйидаги асосий мақсадларни (моҳиятини ҳисобга олган тартибда) келтириш мумкин:

- маҳсулот (товар, хизмат) сотиш ҳажмини кенгайтириш;
- маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқаришини ўсиш суръатларини ошириш;
- корхона маҳсулотларини бозордаги ҳиссасини кўпайтириш;
- режалаштирилган фойдага эришиш.

Булар фойданинг ҳажми, фойданинг нисбатини, барча сармояларни фойда меъёри, фойданинг хиссадорлар сармоясига нисбатида акс этиши мумкин. Мақсадларни ишлаб чиқишда улар корхона ходимларининг ниятларини акс эттириш зарурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Акс ҳолда ишловчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнидан ички узилиши рўй беради. Шунини тушуниш зарурки, чет эл капитали иштирокидаги корхонада маркетингнинг чинакамига жорий қилиниши учун унга тегишли хизматни тузишнинг ўзи етарли эмас. Маркетинг бўлими марказига маҳсулотнинг пировард истеъмолчилари билан боғлиқ барча муаммолар келиб тушади, бу эса ушбу тизилмани бир вақтнинг ўзида турли вазифаларни ечимига қаратилишини талаб қилади.

Маркетингни бошқариш - уни ташкил қилишда чет эл капитали иштирокидаги корхона олдига қўйилган мақсадларга эришиш, таҳлил, режалаштириш, ҳаётга тадбиқ этиш ва назорат қилиш босқичларини ўз ичига олади.



2.3.1-чизма. Маркетингни бошқариш жараёни¹⁸

Маркетингни бошқариш жараёнини қуйидаги 2.3.1-чизмада кўришимиз мумкин.

Маркетингни бошқариш жараёни бир-бири билан узвий боғлиқ уч қисмдан иборат:

¹⁸ Муаллиф томонидан тайёрланди

1. Ташкилий жараён - корхона бўлимларини тегишли бозор ахборотлари билан таъминлаш;

2. Изланишлар олиб бориловчи жараён - корхона маркетинг фаолиятидаги - бозор, ассортимент, нарх-наво, реклама доираларида услубий ва тадқиқот ишларини бажариш ва таклифлар тайёрлаш;


3. Дастурий-назорат жараён - мақсадли дастурлар, стратегия ва тактикани шакллантириш ва бозор фаолиятини жорий назоратини олиб бориш. Маркетингни бошқариш уни махсус хизмати орқали олиб борилади.

Маркетинг хизмати ҳар бир корхонада бажарилиши кўзда тутилган ўзига хос аниқ вазифалар, ишчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари корхонанинг бошқа бўлимлари билан ўзаро муносабати ва бошқалар ҳисобга олинган Низом асосида ташкил этилади.

Чет эл капитали иштирокидаги корхонада маркетинг хизматларини ташкил қилиш. Маркетинг хизмати корхоналарда иқтисодий аҳвол (фойда, нарх-наво ва конъюнктура доимий ўзгариб турадиган бозордаги истеъмолчиларнинг талаби билан корхона ишлаб чиқариши савдо ва хўжалик фаолияти муносабатларини мувофиқлаштириш учун ташкил қилинади.

Маркетинг хизмати - бу бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина миллий корхона бошқаруви учун етишмай турган фаолиятдир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда тўғридан-тўғри чел эл капитали жалб этилиши орқали ташкил этилган қўшма корхоналарда маркетинг хизмати самарали ташкил этилмоқда. Масалан, “GM – Uzbekiston” қўшма корхонаси томонидан самарали оширилаётган маркетинг стратегияси натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларни экспорт қилиш миқдори йил сари ўсиб бормоқда. Маълумки, автомобиль бозори дунёда энг рақоботли бўлиб, унда ўз ўрнини эгаллаш жуда мураккабдир. Шунга қарамай ташқи бозорни ўрганиш, талаб ва таклифлар нисбатини таҳлил қилиш, нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, реклама ташкил этиш ва харидорларни эҳтиёжларини ўрганиш орқали ушбу миллий маҳсулотни экспорти доимий ўсиб бормоқда.



Чизма 2.3.2. Корхонани маркетинг стратегияси модели¹⁹

Чет эл капитали иштирокидаги корхона маркетинг хизмати вазифалари - унинг тамойиллари асосидан келиб чиқади. Бунга қуйидагилар киради:

- Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва бозор ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

¹⁹ Муаллиф томонидан тайёрланди

- Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, савдо ва хўжалик фаолиятини реклама қилиш;

- Молиявий ва бошқа жихатлар бўйича манфаатларига мос қарор қабул қилиш учун зарур ҳисоб-китоб кўрсаткичларини тайёрлаш;

- Талаб шаклланишини фаоллаштириш ва сотишни тезлаштириш.

Маҳсулотнинг ҳаётий босқичлари жараёни. Мотивларни тадқиқ қилиш усуллари асосий гуруҳларини проекцион шакллар ташкил этади. Уларнинг мақсади истеъмолчининг маънавий оламига кириб бориш, тадқиқ этилувчи истеъмолчиларнинг муносабатлари, кейинги ҳаракатлари мотивларини аниқлашдир. Бу истеъмолчиларнинг бошқа кишилар ва бошқа ҳолатлар ҳақидаги мулоҳазалари ёки ёзма фикрлари, сўров, анкеталар асосида уларнинг маънавий оламига кириб борилади.

Чет эл капитали иштирокидаги корхонада халқаро маркетингни ташкил этиш жараёни корхонани чет элга маҳсулотларини олиб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини ва мажбурийлигини аниқлашдан бошланади. Чунки, янги ташкил этилган қўшма корхоналарда экспорт операцияларини ташкил этиш анча молиявий маблағ ҳамда ташкилий ҳаракатларни талаб қилади. Агар корхона ташқи бозорга маҳсулот олиб чиқиш орқали уни фаолияти учун зарур бўлган хом-ашё, бутловчи материаллар олиб келадиган бўлса, унда ТИФ амалга оширилади. Бунда корхонани ташқи бозорда фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллари ўрганилади. Олинган маълумотларга асосан корхонани ТИФдан мақсади ва кутилаётган натижалари белгиланади. Маркетингни кейинги босқичида ички миллий муҳитни корхона фаолиятига таъсир қилувчи омиллари ва корхонанинг ички салоҳияти таҳлил қилинади. Чунки корхона ушбу омилларни ҳисобга олмай ТИФ фаолиятини ташкил этса, ўзига олган мажбуриятларини бажара олмаслиги мумкин. Масалан, корхона маҳсулотига талаб юқори бўлиб, корхона уни бажара олмаса, у катта миқдорда жарима тўлаши билан бирга уни имиджига салбий таъсир кўрсатилади.

Халқаро маркетинг стратегиясида маҳсулотнинг ҳаётий жараёни ҳисобга олиниши лозим. маҳсулотнинг ҳаётий жараёни уни бозорга кириб келишидан

бошлаб, то унинг бозордан чиқиб кетишига қадар (маҳсулотнинг сотилиши, истеъмолчилар ва рақиблар фойдаси, ҳамда маркетинг стратегиясини ифода этиш учун) амалга ошириладиган тадбирлардан иборат концепциядир. Биринчи марта товарнинг ҳаётий жараёни концепцияси 1965 йилда Теодор Левитт томонидан эълон қилинган.

Товарнинг ҳаётий жараёни тўрт турга ажратилади:

- маҳсулотлар катта синфининг ҳаётий жараёни;
- маҳсулотлар турининг ҳаётий жараёни;
- қўлланиш усуллари ҳаётий жараёни;
- маҳсулотлар маркасининг ҳаётий жараёни.

Масалан, механик соатлар, қўл, электрон ва осма соатлар, қўнғирокли соатлардан фойдаланиш.

Бир қатор чет эллик тадқиқодчилар халқаро маркетинг фаолиятини корхонани ТИФни режалаштиришнинг бошланғич ва асосий босқичи деб ҳисоблашади.²⁰ Халқаро маркетинг назарияси ва амалиётини корхона томонидан ўзлаштирилиши унга рақобат устунлигини бериб, корхонани жаҳон бозорига чиқиши учун имконият яратиб беради.

Иккинчи боб бўйича хулоса.

Бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодийни либераллаштириш, модернизация, техник ва технологик янгиланиш шароитида Ўзбекистонда яратилган қулай инвестициявий муҳит, чет эл инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан яратилган кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими чет эл капитали учун шароит яратиб берди. Мамлакатда жаҳон андозаларига мос келадиган чет эл капиталини жалб этиш борасида шарт-шароит яратилган. Кейинги йилларда ТИФни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни экспорт салоҳиятини ошириш ва уларда халқаро маркетинг

²⁰ Масалан, Попова Т.Н. Внешнеэкономическая деятельность. – Владивосток, 2001. Мировая экономика и международный бизнес: учебник/кол. авторов: под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р.К. Щенина. 6-е изд. М.2009– 688 с.

ташкил этиш борасида қонунлар, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва инвестицион муҳит янада либераллаштирилди.

Ҳар бир қўшма корхонани барпо этишдан аввал мазкур корхона ушбу ҳудудда самарали фаолият кўрсатиши учун мавжуд шарт – шароит, унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни тез, сифатли ва доимий равишда жаҳон бозорига чиқиши учун муҳит яратилиши лозим. Бунда халқаро маркетингни ташкил этиш сифати ва самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда халқаро маркетинг стратегиясини тайёрлашда барча омиллар (ички ва ташқи) узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим, чунки ҳар бир алоҳида олинган омил барча муҳитларга таъсир кўрсатади. Бу эса умумий шароитни ўзгаришига олиб келиб, ТИФга таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, халқаро маркетингда иқтисодий-ижтимоий прогнозлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бу кўрсаткичларни ҳисобга олмаган ҳолда корхонани маркетинг стратегиясини белгилаш мушкул.

Маълумки, чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш устидан назорат нисбатан кучли ташкил этилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар фирмалари фаолиятидан келиб чиқиб, қўшма корхоналарда халқаро маркетинг билан шуғулланадиган махсус бўлим ташкил этилиши лозим. Унинг фаолияти корхонани ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқаришда унинг сифатига ва етказиб берилиш гартларига таяниши лозим. Бунда халқаро маркетинг фаолияти муҳим аҳамият касб қилади.

Ўзбекистонда чет эл капитали фаолиятини ташкил этишда халқаро маркетингга эътибор қаратитла бошланди. Шунинг учун экспорт салоҳиятини оширишда маҳсулотларни экспортини диверсификация қилиш, унинг географиясини кенгайтириш муҳим аҳамият касб қила бошлади.

3-БОБ. ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхоналарнинг самарали халқаро маркетинг бошқарув тизимини ташкил этиш йўллари

Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналарда халқаро маркетингни амалга ошириш бир қатор талаблар қўяди.


Республикада фаолият юритаётган ва ташкил этиладиган чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналарнинг иш самарадорлиги бу корхоналарда бошқарув тизимининг қандай йўлга қуйилганлигига боғлиқдир. Иқтисодиётнинг турли тармоқларига чет эл капиталининг жалб қилиниши, қўшма корхоналар ташкил этиш бир қатор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий самарларга олиб келади. Бу самарлардан бири илғор бошқарув усуллариининг ўзлаштирилишидир.

Глобал иқтисодий муҳитда рақобатдош “ўйинчи” сифатида чиқиш учун чет эл капитали иштирокида фаолият юритаётган корхоналар қуйидаги хусусиятларга эга бўлишлари лозим:

- рақобатли устунликни излаб топиш ва эришиш учун харидорларни қониқтирадиган нарх ва сифат ўртасида оптимал муносабатликка эришиш;
- маҳсулотларни самарали сотиш йўллариини излаб топиш;
- маҳсулот ва хизматларни поғоналаштириш ҳамда янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш;
- вертикал интеграцияни оптимал даражасини топиш;
- бизнесда рақобат ва ҳамкорликни мужассамлаштириш, кўп сонли истеъмолчи ва етказиб берувчиларни жалб қилиш.

Бунда ташқи иқтисодий фаолият самарадорлиги ташқи бозорга йўналтирилган истеъмол қийматини шакллантиришга қаратилади. Бу

корхонани ташқи ва ички бозорда рақобатдошлигини таъминлаб, унинг молиявий аҳволини барқарорлаштиради.



Чизма 3.1.2. Чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхонада халқаро маркетингни ташкил этиш стратегияси²¹

²¹ Муаллиф томонидан тайёрланган.

Чизма 3.1.1 да Ўзбекистонда чет эл капитали иштирокида фаолият юритаётган корхоналарда халқаро маркетинг стратегиясини ташкил этиш босқичлари келтирилган.

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар томонидан бозор стратегиясини ишлаб чиқиши унинг ТИФни мужассамлаштириб, замонавий бошқарув усуллари жорий этилишини талаб қилади. Ушбу корхоналар халқаро маркетинг усулидан фойдаланиши натижасида маҳсулот ассортименти кўпайиб, ташқи бозорга маҳсулотларни етказиб берадиган тизимларда қўшимча иш ўринлари яратилади, бу эса экспорт хажмини ошишига олиб келади.

Халқаро маркетингнинг хусусияти унинг бозор бошқаруви концепцияси усули эканлигидир, унинг асосида корхонани ишлаб чиқариш-коммерция принциплари ётади. Улар ташқи бозорни ҳозирги ва келажакдаги талабларини ҳисобга олган ҳолда корхонани ТИФни ташкил этиш орқали унинг узоқ муддатли рақобатдошлигини таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсади чет эл капитали иштирокидаги корхоналардан ишлаб чиқаришни бошқаришни стратегик даражасига етилишини талаб қилади. Ушбу талаб ўз ичига ташқи бозорга чиқиш имкониятлари ва усуллари, ташқи бозорни мақсадли сегментларини танлаш, уларга кириш йўллари, истеъмолчиларни талабларини тушуна олиш ва келажакдаги мақсадларини аниқлаш каби омилларни ўз ичига олади. Маркетингни халқаро хусусияти жаҳон иқтисодиётини янада глобаллашуви, халқаро савдони кенгайтириши, капитал ва ишчи кучларини оммовий ҳамда кенг доирада ҳаракати натижасида такомиллашиб бормоқда.

Халқаро маркетингни замонавий корхонани бошқаришнинг муҳим функцияси сифатида устунлик ва имкониятларини ҳисобга олмаслик тактик ва стратегик нуқтаи назаридан унинг ташқи иқтисодий фаолиятида самарадорлигини пасайишига сабаб бўлади.

Бозор иқтисодиёти, кескин рақобат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида ҳар бир корхонанинг муваффақиятли фаолият

кўрсатиши унинг жамоаси, персонали малакаси, билим ва тажрибаси, ташаббускорлиги, интизомлиги, маъсулиятига шулардан келиб чиқиб, бошқарув тизимининг самарадорлигига боғлиқ бўлиб қолди. Бозор муносабатлари тўлиқ шаклланган мамлакатларда корхона персонали бу сифатларни қарор топтириш ва ривожлантириш бошқарувни такомиллаштириш ҳисобига эришилиши тушуниб етишган.

Ўзбекистонда чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналарни стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда халқаро маркетингни аҳамияти қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- маркетинг корхонани бозор муносабатлари шароитида методологик бошқарув принципларини белгилаб беради, бу корхонани ишлаб чиқариш стратегиясини истеъмолчиларни гуруҳлари талабларига мослаштириш имкониятини беради;

- корхонани халқаро маркетинг хизмати стратегик режа ишлаб чиқувчиларга бошланғич, асосли кўрсаткичлар тақдим қилади, бу эса корхонани салоҳиятини белгилаш имкониятини беради;

- корхонани ҳар бир таркибий қисми фаолияти маркетинг ёндашуви орқали бошқарилса, уларни ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни тезлашади ва бу режалар ҳамда мақсадлар ижросини таъминлайди.

Масалан, Ўзбекистонда фаолият юритаётган чет эл капитали иштироки ташкил этилган енгил саноат корхонаси халқаро маркетингни турли усуллари орқали жаҳон бозорида юзага келган талабларни олдиндан кўра билиши ва унга асосан корхонани стратегиясини ишлаб чиқиши лозим. Бунда, табиий ҳол - ашёлардан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талабни ошишини ҳисобга олиш, мода ва модель талаблари, ҳаттоки маҳсулотнинг ранги ҳам муҳим аҳамият касб қилади.

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарни бошқариш турлари, усуллари ва шакллари асосан ушбу корхоналарнинг низоми ва таъсис шартномаларида аниқ белгилаб қўйилиши билан бирга, бу корхоналарни бошқариш мулкчиликнинг қайси турига мансублигига (акциядорлик

жамияти, маъсулияти чекланган жамият, хусусий корхона ва бошқалар) боғлиқ бўлади. Корхона бошқарув тизилмаси, шакли ва услубларини мустақил аниқлайди, штатларини белгилайди.

Республикамизда акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилган чет капитали иштирокидаги корхоналар Ўзбекистан Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги "Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, маъсулияти чекланган жамиятларда Ўзбекистан Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги "Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуни, хусусий корхоналар шаклида ташкил этилган қўшма корхоналар Ўзбекистан республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги "Хусусий корхоналар тўғрисида"ги Қонуни ҳамда "Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари асосида бошқарувни ташкил этадилар.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қўшма корхонлар низом ва таъсис шартномаси асосида таъсисчилар умумий йиғилишида корхонани бошқариш масаласини ҳал этишда ва корхонанинг бошқарув органини тайинлашади.

Корхонанинг бошқарув органи ва таъсисчилар билан ходимни ёллаш тўғрисидаги шартномаларни ҳам халқаро андозалардан келиб чиқиб такомиллаштиришлари зарур.

Америкалик амалиётчи олим Г.Эмерсоннинг "Унумдорликнинг 12 тамойили" (1912й.) китоби бошқарувни мумтоз асари ҳисобланади. Таҳлилчи олим истеъдоди АҚШ, Мексика, Канада компанияларида 20 йил давомида ортирилган бой тажриба Г.Эмерсонга меҳнатни самарали ташкил этишни таъминлайдиган персоналии бошқариш тизимини қуйидаги 12 тамойил асосида қуриш зарурлигини асослаб беришга имкон тугдиради:

- 1) Аниқ кўзланган ғоялар ва мақсадлар;
- 2) Соғлом маъно, мантиқ;
- 3) Малака ва маслаҳат;
- 4) Интизом;
- 5) Персоналга адолатли муносабат;

- 6) Тезкор, ишонарли, тулиқ аниқ, ва доимий ҳисоб китоб;
- 7) Диспетчерлаш;
- 8) Меъёрлар иш тартиби;
- 9) Шароитларни меъёрлаштириш;
- 10) Операцияларни меъёрлаштириш;
- 11) ёзма стандарт йуриklar;
- 12) унумдорлик учун мукофот;

Жумладан, АҚШда реал сектор учун халқаро маркетинг тадқиқотларини олиб бориш учун Марказий Разведка Бюроси, Миллий Космик Агентлик (НАСА) ҳам жалб қилинади. Улар доимий равишда таҳлиллар олиб бориб, иқтисодиёт соҳалари учун таклифлар тайёрлайдилар. Масалан, космик кема ёрдамида бу йилда дунёда етиштирилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳажми аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар ушбу маҳсулотларни ўтган йилги қолдиқларини билан қўшилиб, бу йилги шу маҳсулотга бўлган талаб аниқланади. Унинг асосида ушбу маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги нарҳи прогнозлари ишлаб чиқилиб, ушбу кўрсаткичлар асосида АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фермерлар учун таклиф тайёрлайди. Жаҳон бозорида паст нарҳда маҳсулотларни сотиш АҚШ бюджетига қўшимча харажатлар олиб келади. Чунки, ушбу мамлакатда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига субсидия ажратилади.

Корхонани ташқи иқтисодий фаолияти умумий маркетинг бўлимидан ташқари алоҳида тузилган экспорт бўлимини ташкил этишни, ҳамда ушбу бўлимни бевосита бош директор раҳбарлигига топшириш мақсадга мувофиқ бўлади. Корхонада мавжуд бўлган умумий ташкилий тузилмага боғлиқ ҳолда, бундай вариант функционал тузилма доирасида бўлиши мумкин.

Қўшма корхонани бошқаришда халқаро маркетинг тамойилларини жорий қилиш ва маркетинг талаблари асосида иш олиб бориш бугунги куннинг талаби бўлиб қолди.

3.2. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишда чет эл капитали ва халқаро маркетингни такомиллаштириш истикболлари

Кўрилган чора-тадбирларга карамай 2008 йилдан бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналарни экспортини қўллаб-қувватлаш ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида республикада яратилган имтиёз ва афзалликларнинг комплекс тизими янада такомиллаштирилмоқда. Бунинг натижасида, жаҳон бозорларидаги конъюктуранинг сезиларли ўзгаришларига карамай, охириги 5 йил ичида республикани маҳсулотлар экспорти 1,67 баробар ўсди, унинг тузилмасини диверсификация қилиш таъминланмоқда - экспорт умумий ҳажмида тайёр маҳсулотларнинг улуши 68,5 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Товарларни экспортга етказиб беришда расмийлаштириш тартиботлари сезиларли даражада соддалаштирилмоқда ва арзонлаштирилмоқда. Божхона расмийлаштируви, декларациялаш, сертификатлаш, санитария-эпидемиология назорати ва божхона расмийлаштирувининг бошқа тартиботлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайдиган «бир дарча» тамойили бўйича экспорт битимларининг божхона расмийлаштируви механизмлари босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Экспорт қилувчи корхоналарга, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш масалаларида кўмаклашиш бўйича ихтисослашган тузилмалар ташкил этилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини

кўпайтириш корхоналар раҳбарларининг фаолиятини баҳолашдаги энг муҳим мезонлардан бири сифатида кўрилади.

Жаҳон бозорида миллий маҳсулотларни сотилиш ҳажмини оширишда унинг сифатига катта эътибор қаратилиши лозим. шунинг учун ҳам, чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини кенг жорий этиш ва маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш корхоналарнинг экспортга етказиб беришга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича энг муҳим вазифаси деб белгиланади.

Шу мақсадда ушбу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рўйхатини ва уларнинг қанчаси халқаро стандартларга мувофиқлиги бўйича сертификатланганлигини пухта ўрганиб чиқилиб, ўтказилган таҳлил натижаларига кўра республика Вазирлар Маҳкамасига сертификатланган маҳсулотлар турлари миқдорини кўпайтириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқади.

Экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташқи савдо компанияларига миллий маҳсулотларни жаҳон бозорида реал шаклланган нархлар бўйича, шу жумладан, таннархидан паст қийматда экспорт қилишга рухсат бериш масалалари Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилади. Бу эса, илгари таъкидлаганимиздек, чет мамлакатлар бозорида ўз “дарчамизни” эгаллаш имкониятини беради.

Маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар:

- халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда хорижий қатнашчилар билан тенг шароитларда, жумладан ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш;

- республика ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри

битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди.

Бу эса ушбу корхоналарни экспорт имкониятларини кенгайтириш ва тузилган шартномалар ижросини ўз вақтида амалга ошириш имкониятини беради.

2012 йил 1 апрелдан бошлаб янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик янгилашга валюта кредитлари бўйича асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича йўналтириладиган валюта тушуми қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан асосий қарз батамом тўлаб бўлинадиган муддатга қадар озод қилинади. Бу корхоналарда технологик янгиланиш жараёнини тез амалга ошириш имкониятини бериб, корхоналарни молиявий аҳволини барқарорлаштиради.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришнинг амалдаги тартиби тадбиқ этилди. Бу эса кичик бизнес субъектларини экспорт имкониятларини ошириш учун шарт-шароит яратади.

Республика тижорат банкларига экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини амалга оширишнинг чекланган муддатини 60 кундан 90 кунга узайтирган ҳолда экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини амалга ошириш ҳажмини кенгайтириш тавсия этилди. Бу эса корхоналарга банк томонидан кўрсатилаётган банк хизматларини сифатини ошириш ва ҳажмини кенгайтириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Президентининг юқоридаги қарорига асосан миллий қонунчиликка мувофиқ экспорт қилувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари ва афзалликлари берилди:

1. Акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга акциз солиғи солинмайди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бундан мустасно (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 230-модда).

2. Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади (Солиқ кодекси, 212-модда).

3. Экспорт қилувчи корхоналар (хом ашё товарларини сотиш бундан мустасно) учун фойда солиғи ва мулк солиғи ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товар (иш, хизмат)лар экспортидаги улушига боғлиқ ҳолда камайтирилади:

- экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида — 30 фоизга;

- экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — 2 маротаба. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–2613-сонли Фармони).

4. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси қуйидагича камайтирилади:

- умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганида 30 фоизга;

- экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ бўлганида — 2 маротаба. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–2613-сонли Фармони).

2016 йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳсулоти ҳажмининг, жумладан ярим тайёр маҳсулотларининг (калава, газлама, трикотаж газлама ва пахта йигириш чиқиндилари) 80 фоизи ва ундан ортиғини эркин алмаштириладиган валютага сотадиган тўқимачилик саноати корхоналари

мулк солиғи тўлашдан озод қилинди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1512-сонли қарори).

Товар (иш, хизмат)ларнинг барча турларига экспорт божхона божлари ва специфик товарлардан ташқари бошқа товар (иш, хизмат)лар экспортини лицензиялаш бекор қилинди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–1871-сонли Фармони).

Товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдаги ставкасига қараганда ўртача 2 маротабага камайтирилган янги ставкалари жорий қилинди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1604-сонли қарори).

8. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилган. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4354-сонли Фармони).

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда долзарб масаларидан бири чет эл капиталини кенг жалб қилиш орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш, уларга замонавий технология, ишлаб чиқарув бошқаруви усуллари кириштириш, чет эллик шериклар билан ҳамкорликда халқаро маркетинг услубларини жорий этиш ва такомиллаштириш масалаларидир. Ушбу муаммалар ҳали амалда тўлиқ ўз ечимини топгани йўқ.

Шулардан келиб чиқиб, биринчи навбатда, Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларини, ташқи савдо обороти тузилмасини ва экспорт ҳажми ҳамда географиясини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистонда кейинги йилларда чет эл капитални жалб этиш орқали корхоналар ташкил этиш, уларда халқаро маркетинг тизимини шакллантиришга катта эътибор берилмоқда. Республикага чет эл инвестициясини киритишни янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилиниб, айрим қонунларга эса замон талабидан келиб чиқиб тегишли ўзгаришлар киритилди.

Чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхонада халқаро маркетинг томонидан маҳсулотларни экспорт қилинишидан олинadиган иқтисодий самара қуйидаги формулар ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$D_{ик} - D/T_3 * 100.$$

бунда,

$D_{ик}$ – маҳсулот экспорти рентабеллиги;

D – бир бирликда маҳсулот экспортидан олинган даромад, сўмда;

T_3 - бир бирликда экспорт қилинган маҳсулот таннари.

Экспорт маркетингида савдони рағбатлантириш сиёсати ва пухту ўйланган қарор қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу чет эл капитали иштирокида янгидан ташкил этилган корхоналарга нисбатан ижобий муносабат шакллантириш имкониятини беради. Сифатли маҳсулот яхши имидж яратиб, маҳсулотни халқаро бозорларда муваффақиятли реклама қилишга ва сотишга ёрдам беради.

Бундан ташқари чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналар ўз маҳсулотларини халқаро бозорларда танишлари ва “суришлари” учун республикада ташкил қилинаётган турли халқаро ярмарка ва кўргазмаларга тақдим этишлари лозим. Бундан ташқари, замонавий маркетингда интернет тизимининг ўрни муҳимдир. Чунки, тўғри ташкил этилган маркетинг хизмати реклама имкониятларидан кенг фойдаланган

ҳолда интернет тизими орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида маълумотларни турли мамлакатлардаги истеъмолчиларга етказиб бериши мумкин.

Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- экспорт таркибида тайёр маҳсулот ва хизматларнинг салмоқини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни замонавий технология ва илғор техникалар билан қуроллантириш;
- тайёр маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга йўналтирилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонини кўпайтириш ва фаолиятини такомиллаштириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги иш-тироқини рағбатлантириш, зарур шарт-шароитларни яратиш;
- мамлакатнинг экспорт бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги экспорт бозорларини эгаллаш;
- ҳар бир тармоқ ва ҳудуд кесимида экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутувчи, ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш ва бошқалар.

Учинчи боб бўйича хулоса.

Ўзбекистон Республикасида қўшма корхоналарнинг самарали халқаро маркетинг бошқарув тизимини ташкил этишнинг асосий йўллари бу: чет эл капиталини жалб этишда мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, уларни ижро этилишини таъминлаш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, чет эл капиталини жалб этиш ва реал секторни ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш лойиҳаларини амалга оширишда чет эл капиталини жалб этиш, мавжуд “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах” эркин индустриал-иқтисодий зоналари фаолиятини ташкил этиш ва уларни сонини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакат ҳудудларида яратилган шарт-шароитлар чет эл капиталини кенг жалб этиш орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш, мавжуд корхоналарга чет эл

капиталини киритиш орқали уларга замонавий дастгоҳлар, бошқарув усулларни, халқаро маркетингни жорий этиш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида уларни экспорт салоҳиятини оширади ва Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривож учун шарт-шароит яратиб беради. Бундан ташқари қўшма корхоналар фаолиятида халқаро маркетинни ташкил этишга катта эътибор қаратилиши лозим. Чунки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сифати яхши бўлиб нархи қанчалик паст бўлмасин, уни халқаро маркетинг орқали истеъмолчилар эътиборига етказилмаса, ушбу маҳсулот харид қилинмайди. Шунинг учун ҳам миллий маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқаришда маҳсулот тўғрисидаги маълумот истеъмолчиларга олдиндан етиб бориши лозим. Бунда маркетингни ўрни муҳим.

Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишда киритилаётган чет эл капитали муҳим аҳамият касб қилади. Юқорида қайд этилганидек, чет эл капиталли билан бирга замонавий технология, ишлаб чиқариш усуллари ва энг асосийси, халқаро маркетинг кириб келиши таъминланади.

Мамлакатимизда чет эл капитали иштирокида мавжуд 4,5 мингга яқин корхоналар фаолияти уларда халқаро маркетинг самарадорлиги билан узвий боғлиқ. Чунки, тўғри ташкил этилган реклама, турли презентация ва ярмаркалар маҳсулот истеъмолини таъминлайди.

Ўзбекистонда чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолияти халқаро маркетингини такомиллаштириш истиқболлари мамлакатда яратилаётган иқтисодий муҳит билан узвий боғлиқ. Чунки, ўзини хурмат қилган ҳар бир давлат, биринчи навбатда, миллий ғурурини сақлаган ҳолда миллий ва жаҳон бозорига сифатли маҳсулот етказиб бериши лозим.

Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти олдида обрўсини ошириб, миллий маҳсулотларни рақобатбардошлигини таъминлайди ва мамлакатни экспорт салоҳиятини оширади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Жаҳондаги ҳар қандай мамлакат миллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида чет эл капиталини кенг жалб қилади. Четдан жалб қилинаётган молиявий ресурслар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестиция сифатида реал сектор корхоналарига йўналтирилиши иқтисодий нуктаи назаридан энг самарали ҳисобланади. Чунки, бунда чет эл капиталининг мамлакат иқтисодиётига кириб келиши билан бирга чет эллик шериклар замонавий технологиялар, бошқарув усуллари ва ҳақаро маркетинг хизматини жорий қилишга интилишади. Бу эса ушбу корхоналарни иқтисодий самарадорлигини оширади. Миллий иқтисодиёт учун эса бюджет даромадлари тўловлари ошиб, миллий ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жалб қилиш ҳамда хориж менежментининг жорий қилинишини таъминлайди, корхона ишчи ходимларининг малакаси ошади. Замонавий технологияларни, илғор техникалардан фойдаланаётган чет эл капитал иштирокидаги корхоналар ички бозорни ҳам сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш билан бирга ва мамлакатни экспорт салоҳиятига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш, мамлакатни макроиқтисодий барқарор ривожланишини таъминлаш, тадбиркорлар ва чет эллик сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар кўпгина халқаро молиявий институт вакиллари томонидан қайд этилган ва маъқулланган.

Бу борада Ўзбекистон Президенти И.Каримов: “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак,

бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади.

Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.”²² - деди.

Ўзбекистонда чет эл капиталини миллий корхоналарга фаолиятига жалб этишнинг қуйидаги асосий устивор йўналишлари белгиланган:

- мамлакатдаги мавжуд хом-ашёларни тўлиқ қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш;
- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, уни тшлиқ қайта ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- транспорт ва телекоммуникация инфратизилмасини ривожлантириш;
- илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан замонавий ахборот ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш;
- ресурс ва энергияни тежайдиган асбоб ва ускуналарни ишлаб чиқариш ва технологияларни жорий этиш;
- дори дармонлар, тиббиёт техникаси ва асбобларини ишлаб чиқариш;
- туризм индустриясини ривожлантириш²³.

Шу билан бирга, ханузгача давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида макроиқтисодий барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, амалга оширилаётган модернизация, техник ва технологик янгиланиш жараёнларини муваффақиятли таъминлаш учун чет эл капиталини жалб этиш ҳажмлари ошириш лозим.

²² “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Тошкент, 18 январь 2013 й.

²³ Абулкосимов Х., Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш.Т.Академия.2007 йил. 85 бет.

Ушбу магистрлик диссертациясида мамлакат реал секторида фаолият юритаётган корхоналарга чет эл капитални жалб этиш орқали қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларда халқаро маркетингни бошқаришни ташкил этиш орқали уларни экспорт имкониятларини ошириш масаласини ўрганилди ва унинг асосида қуйидаги таклифлар тайёрланди:

1. Миллий корхоналарга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш орқали илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш. Чет эл капитални иштирокидаги корхоналар, замонавий технологиялар ва менежмент жорий этилиши натижасида мазкур муаммони ҳал этиш имконини беради;

2. Корхоналарда бошқарувнинг илғор усуллари жорий этиш, маҳаллий ишчи ва ходимларни касбий билими ва маҳоратини ўстириш;

3. Миллий корхоналар, жумладан кичик бизнес субъектларига жаҳон бозорига чиқиш учун қулай имкониятлар яратиш;

4. Мамлакатда амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш. Чет эл инвесторларининг иштирокида ташкил этилаётган корхоналарга ташқи иқтисодий фаолият юритиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиш.

5. Жаҳон бозори конъюнктурасидан ва мамлакат иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб чет эл капитални иштирокида ташкил этилган корхоналарни экспортнинг товар ва географик таркибини янада диверсификация қилиш, маҳаллий хом-ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни сотиш бозорларини кенгайтиришда халқаро маркетинг усулларида кенг фойдаланиш.

6. Чет эл капитални иштирокида ташкил этилган корхоналарни Веб сайтларини жорий этиш орқали экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг доимий янгиланиб турувчи маълумотлар базасини шакллантириш ва уларни жойлаштириш, корхоналарни кенг кўламда

ярмарка ва кўргазмаларга жалб қилиш, бу орқали янги ҳамкорлар топиш экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиш имкониятини беради.

7. Чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналарни маркетинг хизмати халқаро бозордаги товар ҳаракатини доимий ўрганиб бориши, истеъмолчилар талаби, уларни эҳтиёжлари, истак ва мақсадларини олдиндан аниқлаш орқали тегишли товарларни ишлаб чиқаришн ташкил этиш;

8. Чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналарни маркетинг хизмати электрон савдони амалга ошириш бўйича амалий чора тадбирлар ишлаб чиқишлари лозим. Бунда, товар етказиб бериш борасида тузилган шартномаларнинг ижросини таъминлашда уларни рўйхатга олиш, мониторинг ва назорат қилиш бўйича механизмлари шакллантирилиши лозим.

9. Халқаро маркетинг фаолиятини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт йўлакларини очиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш, транспорт ва инфратузилмани ривожлантириш борасида қабул қилинган давлат дастури ижросини таъминлаш мамлакатни экспорт имкониятларини кенгайтиради.

10. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда халқаро маркетингни бошқаришда унинг маҳсулоти экспорт қилинадиган мамлакатни маданияти, фикр юритиш хусусияти, тили, дини, ҳаётий стандартлари ва савдо урқ одатлари ҳисобга олиниши керак. Шунинг эътиборга олган ҳолда мамлакатда тегишли тайёргарликка эга мутахассислар тайёрланиши лозим.

Ушбу таклифлар, бизнинг фикримизча Ўзбекистонга чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналарни халқаро маркетинг фаолиятини кенгайтириб, уларни экспорт имкониятларини оширади. Улар жаҳон бозорлари талабларига мос, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлашга олиб келади. Бу эса Ўзбекистонни иқтисодий салоҳиятини ошишига ва уни жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрнини топиши учун шарт-шароит яратади деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010., 46 б.

2. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2006 йил 10 октябр ЎРҚ-59 сон. //Халқ сўзи. -2006-№ 199. 11 октябр.

3. Экспорт назорати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9 моддасига қўшимча киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонуни-2006 йил 20 июн //Халқ сўзи.-2006 йил 21 июн. № 118-16.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.;

5. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.;

6. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.;

7. Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонуни, 1996 йил.

8. Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"ги Қонуни., 26.05.2000 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–1871-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–2613-сонли Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий чет эл капитални жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3594 сон Фармони, 2005 й, 27.02.2009 йил ўзгартириш киритилган.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4354-сонли Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 11.04.2005 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори, 28.10.2009 й.;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон
8. Республикасида Ташқи Иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, чет эл сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида" ПФ-445 сонли Фармони, 1992 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет эл сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисидаги" ПҚ - 1652 сон қарори, 1996 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет эл капитал иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини

рағбатлантиришга оид чора тадбирлари тўғрисида" ПФ-1467 сон Карори, 1996 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1512-сонли қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1604-сонли қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ–4434-сон “Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ–1731-сон “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

15. Ўзбекистон Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ 1855-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестицион дастури тўғрисида”ги қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. 54-қарори. –Т.: 1999й.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тўғридан-тўғри хусусий чет эл капитални ҳукуций ҳимоя қилишни кучайтиришга дойр қўшимча чора тадбирлари тўғрисида"ги ВМ-205 сонли қарори, 02.03.2003 йил.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 26-сонли “Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 августдаги 178-сонли "Ўзбекистон-Корея «Uz-Shindong Silicon» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сонли "Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 декабрдаги 342-сонли "Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида”ги Қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 331-сонли “Корея Республикаси билан инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги 63 – сонли “Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 апрелдаги 106 - сонли “Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида”ги Қарори

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги 56-сонли “Наманган вилоятида мультимодал логистика марказини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 августдаги 247-сонли “2013—2015 йилларда «Ангрен» махсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик- коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.- 56 б.

2. Каримов И.А. Энг асосий мезон- ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.Т: Ўзбекистон-2009.

3. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз.Т: Ўзбекистон, 2009.

9. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч кудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. Т.: Ўзбекистон, 2004.

10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон -2005.

11. Каримов И.А.Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир.//Халқ сўзи- 2007,13 февраль.

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // Ўзбекистон овози. 14-феврал 2009. - №19 (27.980)

2. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди.// Халқ сўзи. 17 феврал 2005. –Б.2.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Халқ сўзи, 28-январ 2010.

4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Ишонч, 13-ноябр 2010. №135(2860)

5. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Ўзбекистон овози, 22-январ 2011. № 16(5183)

6. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” - Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Тошкент, 18 январь 2013 й.

IV. Асосий адабиётлар:

1. Қориева Ё.К. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. Тошкент. “Фан” 2005.

2. С.Жураев, О.Ахмедов, М.Рахимова. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва ташқи алоқаларни ташкил этиш. Тошкент 2008 й.

3. Абулкосимов Х., Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш.Т.Академия.2007 йил.

4. Абдуллаев Ё., Туляганова Ш. Менежмент ва маркетинг асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент молия институти. 2006.

5. Голубкова Е.Н. Международный маркетинг: учеб.- метод. пособ.- М.: Дело и Сервис, 2008.-256 с.
6. Ростовский, Ю.М., Гречков В.Ю. Внешнеэкономическая деятельность: Учебник / Ю.М.Ростовский, В.Ю.Гречков. - 2-е изд., с изм. - М.: Экономист, 2008. - 589с.
7. Абакумова.О.Г. Маркетинг внешнеэкономической деятельности: Учебник. М.: - Приор - издат, 2009. - 207с.
8. Армстронг, Гари, Вонг, Вероника, Котлер, Филип, Сондерс, Джон. Основы маркетинга, 4-е европейское издание.: Пер англ. – М.: «И.Д. Вильямс», 2008. -1200 с.
9. Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики. Учебник.– М.: КНОРУС, 2010. – 680 с.
10. Данько Т.П. Управление маркетингом. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 363 с.
11. Ерёмин В.Н. Маркетинг: основы и маркетинг информации. Учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 656 с.
12. Кревин, Дэвид, В. Стратегический маркетинг, 6-е изд. – М.: «Вильямс», 2008. 512 с.
13. Мак-Дональд М. Сфера услуг. Полное пошаговое руководство по маркетинговому планированию. – М.: Эксмо, 2009. – 448 с.
14. Мировая экономика и международный бизнес. Учебник. / кол. авторов; под общ. В.В. Полякова. Р.К. Щенина. - 6-е изд., стер.- М.: КНОУС, 2009. - 688 с.
15. Основы логистики. Учебник. / Под ред.В.Щербакова.- СПб .: Питер, 2009.- 432 с.
16. Панкрухин.А.П. Маркетинг. Учебник для студ. - М.: Омега-Л, 2009 - 656с.
17. Внешнеэкономическая деятельность предприятия. – М.: Междунар. отношения, 2011. – 234 с.

18. Korah V. An Introductory Guide to EES Competition Law and Practice. – Oxford, 2009. – 225 p/

19. Киселев Д.Г. Конкурентноспособность современных предпринимательских структур на примере совместных предприятий // Инновационная экономика, 2011. - №5-6.

20. Е.П.Пешкова “Маркетинговый анализ в деятельности фирмы”, М.: 89,1997; Е.В.Попов, “Маркетинг”, №6(55) 2000 г, стр52.; А.Вахобов, А.Иброҳимов “Молиявий таҳлил”, Т.: Шарқ, 2002й.

21. Чендлер А. «Стратегия и структура», М.: Консалтинг, 1991.

22. Котлер Ф. «Основы маркетинга», М.«Издательство и прогрес», - 1991., 13-17 бетлар.

23. Попова Т.Н. Внешнеэкономическая деятельность. – Владивосток, 2001. Мировая экономика и международный бизнес:учебник/кол. авторов: под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. наук, проф Р.К. Щенина. 6-е изд. М.2009– 688 с.

V. Қўшимча адабиётлар:

1. А.В Кири. Регулирование иностранных инвестиций в экономически развитых странах. М.2001.

2. Ф.Эргашев. Иннаваццион менежмент. Тошкент, 2005

3. Б.Самарходжаев, Инвестиции в Республике Ўзбекистан. Тошкент 2003.

4. Д.Ғозибек, Капитални молиялаштириш масалалари, Молия, 2003 й.

5. Шадманкулов А.А. Кичик бизнес субъектларида маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши (поябзал ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолида). Номзодлик диссертацияси. Т.:ТДИУ.-2006.-147 б.

6. Яхшиева М.Т. Маркетинг тизимида мақсадли бозо сегментларини танлаш механизмини такомиллаштириш (зардўзлик буюмлари бозори мисолида). Номзодлик диссертацияси. Т.:ТДИУ.-2006.-148 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. “Маркетинг” журнали. –Т.: 2010-2012 йиллар
2. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2011-2012 йиллар
3. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2011-2012 йиллар.
4. “Молия” журнали. – Т., 2011-2012 йиллар.
5. “Экономическое обозрение” журнал.-Т.: 2011-2012 йиллар.

VII. Интернет сайтлари:

1. www.gov.uz (Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали)
2. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)
3. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
4. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)
5. www.mineconomy.uz (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги)
6. www.mfer.uz (Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги)

ИЛОВАЛАР

**Жаҳон тўғридан – тўғри чет эл инвестициялари (ТЧИ) оқимининг ўрта
муддатли истиқболлари, ҳудудлар бўйича, млрд. АҚШ долларида²⁴**

	Ўртача кўрсаткичлар		Ўртача кўрсаткичлар			Прогнозлар		
Йиллар	2005- 2007	2009- 2011	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Жами ТЧИ	1473	1344	1198	1309	1524	1495- 1695	1630- 1925	1700- 2110
Жумладан, ҳудудлар бўйича:								
Ривожланган мамлакатлар	972	658	606	619	748	735-825	810-940	840-1020
ЕИ	646	365	357	318	421	410-450	430-510	440-550
Шимолий Америка	253	218	165	221	268	255-285	280-310	290-340
Ривожланаётган мамлакатлар	443	607	519	617	684	670-760	720-855	755-930
Африка	40	46	53	43	43	55-65	70-85	75-100
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари	116	185	149	187	217	195-225	215-265	200-250
Осиё	286	374	315	384	423	420-470	440-520	460-570
Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари	59	79	72	74	92	90-110	100-130	110-150

²⁴ БМТ ЮНКТАД ташкилотининг “2012 йилда жаҳон инвестицияси тўғрисида маълумотларга асосан.

**Ўзбекистонда чет эл капитали иштирокидаги
ташкил этилган корхоналар тўғрисида маълумот²⁵
(1 январь ҳолатига)**

Кўрсаткичлар/ йиллар	2000	2005	2008	2009	2010	2011	2011 й. 2000 й. нисбати н, %да
Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони	1795	2412	3579	3995	4124	4201	234,0
жумладан, соҳаларда:							
Саноат	899	1412	1748	1908	1923	1975	219,7
Қишлоқ хўжалиги	29	63	80	79	78	79	272,4
Транспорт ва алоқа	88	101	158	163	159	170	193,2
Қурилиш	73	96	97	245	264	273	374,0

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Йиллик статистик тўплам”, Т.-2012., маълумотларига асосан тайёрланди.

**Ўзбекистонда чет эл капитали иштирокида ташкил
этилган корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари²⁶
(1 январь ҳолатига)**

Кўрсаткичлар/ йиллар	2000	2005	2008	2009	2010	2011	2011 й. 2000 й. нисбатан, %да
Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар,хизматла р ҳажми, млрд. сўм.	386,7	1958,4	5786,3	9230,0	11928,7	14198,3	3671,7
Экспорт, млн. АҚШ доллари	451,6	785,2	2063,4	2863,2	3264,1	1804,0	399,5
Импорт, млн. АҚШ доллари	760,5	1165,7	3134,6	4426,8	4836,6	3725,1	489,8
Ходимлар сони, минг киши	91,1	105,4	149,5	156,7	158,0	151,8	166,6
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, млрд. сўм.	24,7	109,5	338,9	529,6	725,2	765,8	3100,4

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Йиллик статистик тўплам”, Т.-2012., маълумотларига асосан тайёрланди.

**Ўзбекистонда чет эл капитали киритган инвестор
мамлакатлари штирокида ташкил этилган қўшма корхоналар сони²⁷**
(йил бошига)

мамлакатлар / йиллар	2000	2005	2008	2009	2010	2011	2011 й. 2000 й. нисбатан, %да
Жами	1795	2412	3579	3995	4124	4201	234,0
Шу жумладан:							
Россия	304	375	629	695	776	793	260,9
Туркия	226	285	474	505	536	573	253,5
Буюк Британия	110	164	257	309	349	373	339,1
Жанубий Корея	89	127	279	195	351	353	396,6
Хитой	48	85	172	194	271	319	664,6
АҚШ	206	334	293	263	233	228	110,7
Қозоғистон	31	41	152	143	149	133	429,0
Эрон	25	56	101	96	120	115	460,0
Германия	101	119	129	121	121	111	109,9
Афғонистон	70	52	79	107	132	106	151,4

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Йиллик статистик тўплам”, Т.-2012., маълумотларига асосан тайёрланди.